

R 617  
2003 /3


# O'ZBEKISTON TARIXI



3  
2003



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI



# O'ZBEKISTON TARIXI

*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi*

### *Bir yilda to`rt marta chiqadi*

### Toshkent

## O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «Fan» nashriyoti

## Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА (бош муҳаррир), Азамат ЗИЁ, Шоира АСАДОВА (масъул котиб), Омонулла БҮРИЕВ, Валерия ГЕНТШКЕ, Доно ЗИЁЕВА, Неъматилла ИБРОҲИМОВ, Заҳиджон ИСЛОМОВ, Ўткир ИСЛОМОВ, Мирсадик ИСҲОҚОВ, Элёр КАРИМОВ, Розия МУКМИНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Темур ШИРИНОВ, Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Асомиддин ЎРИНБОЕВ.

## Манзилимиз:

700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-үй.  
Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2003 йил.

Муҳаррирлар: *M. Сайдова, B. Соловьева*  
Техмуҳаррир: *Л.П. Тюрина*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00208. Теришга берилди 28.08.2003. Босишига рухсат этилди 24.09.2003.  
Қороз бичими 70x100<sup>1/16</sup>. Тайме гарнитура. Юқори босма. Офсет қорози. Шартли босма т. 7,42  
Хисоб-нашриёт 5,45. т. 619 нусха. 33-буортма.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Ғуломов кўчаси, 70.  
ЎзР ФААК босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Мўминов кўчаси 13-үй.

*Тарихга янги нигоҳ**F. Бобоёров***ТОҲАРИСТОН ЯБҒУЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР  
(VII-VIII асрлар)**

Тоҳаристон (қадимги Бақтрия) Марказий Осиёдаги муҳим тарихий-географик ўлка бўлиб, унинг тарихини ўрганиш давлатчилигимиз тарихини ёритишда катта аҳамиятга эга. Айниқса, VII-VIII асрларда ўлкада ҳукм сурган Тоҳаристон ябгулари тарихини тадқиқ қилиш мазкур масалани ўрганишга алоҳида ҳисса қўшади. Бунинг учун Тоҳаристон ябгуларининг фаолияти, келиб чиқиши, шажараси ва бошқарув йиллари хронологиясини ёритиш керак бўлади.

Тоҳаристоннинг илк ўрта асрлардаги тарихи бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, улар орасида француз хитойшуноси Э.Шавани, рус қадимшуноси А.Беленицкий, венгер эроншунос олими Я.Харматта ва ўзбекистонлик тарихчилар Э.Ртвела дзе ҳамда Ш.Камолиддиновларнинг ишлари алоҳида ажralиб туради<sup>1</sup>. Бироқ, шу пайтгача Тоҳаристон ябгулари фаолиятини ёритувчи маҳсус тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Амударёнинг юқори Ҳавзаси, Ҳисор ва Ҳиндкуш тоғлари оралиғидаги ҳудудни қамраб олган ҳамда Термиз, Чагониён, Шуман, Ахарун, Вашгирд, Рашт, Кумед, Помир, Хуттал, Вахш, Қубодиён, Каррон, Шуғонон, Воҳон, Бадаҳшон, Гузгон (Жузжон), Фарҷистон, Балх, Қундуз, Симингон, Руб каби вилоят ва туманлардан таркиб топган Тоҳаристон ўлкаси VI асрнинг иккинчи ярмигача Эфталитлар давлати таркибида бўлиб, унинг асосий таянч ҳудуди эди. Ҳудди шу пайтда, яъни 552 йилда Олтой тоғлари атрофида қудратли Турк хоқонлиги вужудга келади ва Эфталитлар давлати билан қўшни бўлиб қолади.

<sup>1</sup> Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux. St.Pbg. 1903; Беленицкий А.М. Историко-географический очерк Хутталя с древнейших времен до X в. н.э./МИА. №15. М., 1950. С. 109-127; Harmatta J. and Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia. Vol. III, Paris 1996. P. 367-383; Ртвела дзе Э.В. Новые нумизматические данные к истории взаимоотношений Северного Тоҳаристана и государств Востока в VII-VIII вв. н.э.//Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hung. Tomus XLI (2), Budapest, 1987. P. 301-319; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тоҳаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII в. Ташкент, 1996.

Турк хоқонлигининг асосчиларидан бири Истами ябғу (552-576) бошчилигидаги қўшинлар VI асрнинг 60-йилларида Эфталитларни тор-мор қилиб, унинг таркибидаги Шош, Фарғона, Усрушона, Хоразм, Бухоро воҳаларини ва Сўғд воҳасидаги Самарқанд, Панжикент, Насаф, Кеш вилоятларини қўлга киритган бир пайтда хоқонликнинг иттифоқчиси бўлган Сосонийлар шоҳи Хисрав I Ануширвоннинг ўғли Қубод раҳбарлигидаги Эрон қўшинлари Эфталитларга қарашли Кобулистон, Зобулистон ва Тоҳаристон ўлкаларини забт этадилар<sup>2</sup>. Сосонийлар Тоҳаристонни бир муддат қўл остида тутиб турган вақтда қўшниси ва иттифоқчиси бўлмиш Турк хоқонлиги билан ораси бузилади. Бунга аввало, хоқонлик томонидан Эронга юборилган сўғдий элчиларга Сосоний шоҳнинг ноқобил муомаласи ва улар томонидан тижорат мақсадида олиб борилган ипак матоларнинг ёқиб юборилиши сингари ҳолатлар сабаб бўлади<sup>3</sup>. Бундан норози бўлган Турк хоқонлиги Эрон билан алоқани узиб, унга қарши ҳаракат бошлиди. 560-йилларданоқ Сосонийларга қарши Амударё йўналиши бўйлаб юриш ўюштираётган Истами ябғу катта муваффақиятлар қозонади. Турк хоқонлиги қўшинлари 588 йилда Тоҳаристонни олгач<sup>4</sup>, хоқонликнинг жануби-ғарбий чегараси Амударё ҳавзалари бўлиб қолади. Бу воқеа Ўрхун-Энасой битиктошларида «Темир Қапиғ»<sup>5</sup> ўлкасини қўлга киритиш тарзида тасвирланади<sup>6</sup>.

Тоҳаристон ўлкаси Турк хоқонлиги таркибига ўтгач, хоқонлик учун бу ерга алоҳида аҳамият бериш зарурияти туғилади. Чунки, Тоҳаристон ва унга туташ бўлган ўлкалар хоқонликнинг жануби-ғарбдаги энг чекка ҳудудлари эди. Тоҳаристон ўлкаси хоқонлик ҳаётида муҳим ҳарбий-сиёсий ҳудуд (хинтерланд) вазифасини ўтай бошлиди. Шу каби сабаблардан бўлса керак, Турк хоқонлиги ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Тоҳаристоннинг бир неча вилоятларида хоқонликка тобе Эфталит сулолалари бошқаруви сақланиб

<sup>2</sup> Chavannes E. Documents... 1903. P. 228-229.

<sup>3</sup> Kafesoğlu İ. Türk Milli Kültürü. İstanbul, 1983. S. 95; Shabani M. A. Khurasan at the Time of the Arab Conquest.//Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky. Edinburg, 1971. P. 482-483; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Тошкент, 1995, 201-бет; Азamat Зиёд. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000. 81-82-бетлар.

<sup>4</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. Ankara, 1995. S. 87.

<sup>5</sup> Темир Қапиғ -Шаҳрисабздан 90 км. жанубда Бойсун тоғига жойлашган ҳозирги Бўзғола гузари. Ўрта асрларда Дар-и оҳанин (маъноси «Темир дарвоза») деб юритилган ушбу гузар туркий битиктошларда Темир Қапиғ (маъноси «Темир дарвоза») тарзида тилга олинган.

<sup>6</sup> Кўл Тегин битиктоши, шарқий томони, 2-сатр; Билга хоқон битиктоши, шарқий томони, 4-сатр

қолган бўлса-да, VII асрнинг биринчи чорагига келиб улардан аксариятининг ҳокимиятига барҳам берилади ва ўлка ябулар воситасида бошқарила бошлиди. Бу ҳақда хитой ва мусулмон манбаларида маълумотлар кўплаб учрайди<sup>7</sup>. Тоҳаристон ҳукмдорлари хитой йилномаларида «Тухоло шеху» (Тоҳаристон ябгуси), араб манбаларида «жабғуя ат-тухарий», сўғдий ҳужжатда «*tyw'r'k MLK'*» (Тоҳар ябгуси) шаклида учрайди<sup>8</sup>.

Манбалардан маълум бўлишича, «ябғу» унвони Турк хоқонлигида олий ҳукмдор «хоқон» унвонидан кейин иккинчи ўринда турган<sup>9</sup>. Ябғу унвони хоқонликкача хунлар, юечжилар, кушонлар, эфталитлар ва бошқа туркий давлатларда қўлланилган бўлиб, юксак унвонлардан бири ҳисобланган. Ҳатто, Кушон давлатининг дастлабки ҳукмдорлари кейинчалик «шаоно шао» (шаҳоншоҳ) унвонини ўзлаштиргунларига қадар ябғу унвони билан фаолият юритганлар. Турк хоқонлигига эса хоқон бўлгувчи шахс, яъни валиаҳд дастлаб «тегин», ундан кейин «шад», кейин эса «ябғу» унвонига эришиши керак бўлган. Турк хоқонлиги ташкил топган дастлабки йилларда битта марказий аппаратдан бошқарилган бўлса-да, кейинчалик унинг Олтой тоғидан фарбдаги ҳудудларида «Ўн ўқ» (ўн қабила) ҳокимияти жорий этилиб, унинг бошқарувига хоқонлик асосчиларидан Бумин хоқонининг иниси Истами «ябғу» тайинланади. Кўпчилик тарихчилар томонидан «Фарбий Турк хоқонлиги» деб юритилувчи «Ўн ўқ» бошқаруви хоқонликнинг фарбий қисмларини назорат қилган. Ябғу унвони билан асосан «Ўн ўқ» бошқаруви ҳукмдорлари фаолият олиб борганлар.

Хитойча Тан-шу йилномасидаги маълумотларга кўра, Тоҳаристон ябулари Турк хоқонлигининг асосчиси бўлмиш ашина қабиласига мансуб бўлишган<sup>10</sup>. Уларнинг келиб чиқиши Истами ябуга бориб тақалади, деб айтиш учун етарли асос бор. Яъни, Истамининг

<sup>7</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I-III. М.;Л., 1950-1953, Т. 2. С. 321; Chavannes E. Documents. P. 155; Gibb H. Orta Asya'da Arap fütuhati. İstanbul, 1930. S. 9-10; Shaban M. A. Khurasan at the Time. P. 483-486.

<sup>8</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. II. С. 321; «История» ат-Табари. Избранные отрывки (перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халилова). Ташкент, 1987. С.124; Согдийские документы с горы Мут. Чтение (Перевод. Комментарии.). Вып. II. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. М., 1962. С. 50-51.

<sup>9</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений..., Т. 1. 229 с.; Taşgil A. Gök-Türkler. S.97.

<sup>10</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений..., Т. 2. С.321; Chavannes E. Documents... P.157.

ўғли Тарду хоқон (576-603) VI аср охирги чорагида дэлэ (тегин) унвонли ўғлини ўлкани идора қилишга тайинлайди<sup>11</sup>. VII асрнинг биринчи чорагига келиб эса Турк хоқонлиги ғарбий қисми («Ўн ўқ» бошқаруви) нинг машҳур ҳукмдорларидан бири, Истамининг эвараси Тўнг ябғу (618-630) Хуросон, Зобулистон, Кобул, Гандхара-Гибин (Пешовар) ва Синд ўлкаларини ҳам хоқонлик ҳудудига кўшади ва бу ерлардаги аксарият Эфталит сулолалари ҳокимиятини тугатиб, ўғли Тарду-шад (Дату-ше: 618-630)ни Тоҳаристон бошқарувига тайинлайди ҳамда ушбу ўлкалар назорати устидан масъул қиласди<sup>12</sup>. 630 йилдан бошлаб эса Тарду-шаднинг ўғли Ишбара (630-650) ябғу унвони билан Тоҳаристонни бошқара бошлайди<sup>13</sup>. Шу пайтдан бошлаб то VIII аср ўрталаригача Тоҳаристон ҳукмдорлари ўлкада ябғу унвони билан фаолият юритадилар.

Тоҳаристон ябғуларининг қароргоҳи дастлабки йилларда Қундуз вилоятида бўлиб, кейинчалик Балхга, араблар ўлканинг бир қисмини эгаллагач эса Бадахшонга кўчган<sup>14</sup>.

Хитой манбалари ва нумизматик маълумотлардан аён бўлишича, бу даврда Тоҳаристонни Тегин (Дэлэ; VI аср сўнгти чораги), Тарду шад (Дату-ше, Тўнг ябғунинг ўғли; 618-630), Ишбара ябғу (Шабалошэху, Тарду шаднинг ўғли; 630-650), Ашина Учебо (653-660), Гун Ишбара ябғу (*gwn spr' uyr*; VII аср сўнгти чораги), Надунили (700-720), Қутлуғ Тўн Тарду (Гудулу Тун Дату; 720-730), Шилиман Гало (Сулаймон?; 750-йиллар) каби ябғулар бошқаргандар<sup>15</sup>. Араб манбаларида Тоҳаристон ябғуларининг «жабғуя ал-харлухий» шаклида учрай бошлиши VIII асрнинг иккинчи чорагида Тоҳаристон бошқаруви қарлукларнинг қўлига ўтганлигини кўрсатади<sup>16</sup>.

Тоҳаристондаги мавжуд вилоятларнинг кўпчилигига бошқарув туркий сулолалар қўлида бўлганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар учрайди. VI-VIII асрларга тааллукли Тоҳаристон тангларидан ҳам маълум бўлишича, бу ердаги шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари-

<sup>11</sup> Chavannes E. Documents... P. 157; Taşgil. Gök-Türkler. S. 88.

<sup>12</sup> Harmatta J. and Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara... P. 370-371.

<sup>13</sup> op. cit. P. 371.

<sup>14</sup> op. cit. P. 372.

<sup>15</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений.. Т. II, С. 321-322; Chavannes E. Documents... P.156-158; Бернштам А.Н. Турки и Средняя Азия в описании Хой-Чао (726)/ВДИ, 1, М., 1952. С. 193; Harmatta J. and Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara... P. 371-373; Камалиддинов Ш.С. Историческая география... С. 267-268.

<sup>16</sup> История ат-Табари. Избранные отрывки... С. 253.

нинг аксарияти туркийлар бўлган<sup>17</sup>. Хитойлик роҳиб Сюан Цзан 629-645 йиллар оралиғида Тўнг ябғу ҳимоясида гарбий ўлкаларга саёҳат қўилган пайтида Тоҳаристонда ҳам бўлади. Тоҳаристон ябғуларининг маркази Қундузда уни Тўнг ябғунинг ўғли бўлмиш Тоҳаристон ҳукмдори Тарду-шад (Дату-шे) қарши олади. Сайёҳ Тоҳаристонда 27 вилоят мавжудлиги ҳамда уларнинг барчаси тукюе (турк)лар тасаруфида эканлиги ҳақида гувоҳлик беради<sup>18</sup>. Хитой манбаларидан маълум бўлишича, Тоҳаристон ябғусига ўлкадаги Тами (Термиз), Шиханна (Чағониён), Кюмито (Кумед), Гуду (Хуттал), Цзесу (Шуман), Шини (Шуғнон), Хуми (Вохон), Ида (Бадғис), Похоло (Балх), Хушицян (Гузгон), Фанян (Бамиён), Цзююэдэцзян (Қубодиён), Бадашан (Бадахшон) вилоятлари ва унга туташ Сеюй (Зобулистон), Гибин (Каписа-Гандхара) ўлкалари ҳукмдорлари тобе бўлган<sup>19</sup>. Ушбу вилоятларнинг аксариятида туркий сулолалар мавжуд бўлган ва улар Тоҳаристон ябғуларига бўйсунганлар. Ҳусусан, VIII асрнинг илк чорагида Хитойга элчи бўлиб борган Тоҳаристон ябғусининг биродари Ашина Дэлэ Пуло (Ашина Тегин Бўғра)<sup>20</sup> Хитой императорига уларга Темир дарвоза (Бойсун)дан Ҳиндистонгача бўлган ҳудуддаги 212 та кичик ҳокимлик бўйсунишини айтади<sup>21</sup>. Тоҳаристон ябғуларининг ўлкадаги мавқеини араб манбаларидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Абу Жаъфар ат-Табарийнинг «Тарих аррасул ва-л-мулук» (IX аср) асарида араб саркардаси Қутайба ибн Муслимнинг ҳижрий 91 (709) йили Тоҳаристонга юриш қилиб, То-

<sup>17</sup> Ртвеладзе Э. В. К истории южного Узбекистана в Эфталитское время//Бактрия и Тоҳаристан на древнем и средневековом Востоке. Тезисы докладов конференции, посвященной 10-летию Южно-Таджикистанской археологической экспедиции. М., 1983. С. 74-75; Камолиддинов Ш. Сурхондарё вилоятининг ўрта аср топономиясига доир//Шарқшунослик, № 4, Тошкент, 1993, 104-бет.

<sup>18</sup> Шониёзов К. Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Тошкент, 1999, 29-бет.

<sup>19</sup> Harmatta J. and Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara... P. 371.

<sup>20</sup> Ашина Тегин Бўғра - ушбу исмнинг хитойча шакли Ашина Деле Пуло. Мазкур исмнинг биринчи ва иккинчи қисмнинг туркий асли кўпчилик тадқиқотчилар томонидан Ашина Тегин шаклида берилади. Бизнингча, ушбу исм охирги қисмнинг туркий асли Бўғра (унвон) бўлиши керак. Бўғра унвони хитой манбаларида «Пуло» ёзилганига бошқа туркий ҳукмдорлар исмларида ҳам дуч келинади. Масалан, Хитойга элчи юборган Кабудон ҳокими Суду Пуло (738) ва Уструшона ҳукмдори Гэло Пуло (742) эди (Қаранг. Би чурин Н. Я. Собрание сведений.. Т. II. С. 313; Chavannes E. Documents... P. 140; Смирнова О. И. Сводный каталог Согдийских монет. Бронза. М., 1981. С. 425, 428). Гэло Пуло исми ат-Табарийда Хара Бўғра (Қора Бўғра) тарзида қайд этилади (Қаранг. История ат-Табари. Избранные отрывки... С. 251).

<sup>21</sup> Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация). Дис. ...канд. ист. наук. Ташкент, 1995. 117 с.

ҳаристон ябғуси, қуи Тоҳаристон ҳокими аш-Шазз (Шад)<sup>22</sup>, Хуттат ҳокими ас-Сабал (Ишбара) ва Бадғис ҳокими Низак Тархонни ўз ҳузурига келтиргани ҳақида ҳикоя қилиб, қуийдаги тафсилотни баён этади: «аш-Шазз Қутайбага деди: «Жабғуя гарчи менга душман бўлса ҳам, ёш жиҳатдан мендан улур ва у малик, мен эса унинг қули баробаридан. Унинг олдига боришга рухсат бер». У рухсат берди ва аш-Шазз жабғунинг олдига бориб, унинг қўлини ўпти ва ергача таъзим қилди. .. Кейин у (аш-Шазз) ас-Сабал учун ҳам рухсат сўради. Қутайбанинг изни билан у (ас-Сабал) унинг (жабғу) олдига борди ва қўлини ўпти. Ва Низак Қутайбага деди: «аш-Шаззнинг олдига боришга рухсат бер, чунки мен унинг қулиман». У (Қутайба) изн берди ва Низак аш-Шаззнинг олдига бориб, унинг қўлини ўпти»<sup>23</sup>.

Тоҳаристон ябғулари Турк хоқонлигининг таркиби қисми сифатида унинг марказий ҳокимияти билан яқин алоқада бўлиб келган. Жумладан, Турк хоқонларидан Юқуқхон (Иби Дулу-хан) билан Ишбараҳоннинг ўртасида бўлган тўқнашувда биринчиси енгилиб, қариндошлари ҳузурига, яъни Тоҳаристон ябғулари олдига боради<sup>24</sup>. Баъзан эса Тоҳаристон ябғулари Турк хоқонлигининг ички ишлари га аралашиб, хоқонлик таҳтига даъвогарлик қилган ҳоллар ҳам бўлган<sup>25</sup>. VIII асрнинг 40-йилларигача тиним билмаган араб истилочиларига қарши курашда Тоҳаристон ябғулари турк хоқонларининг ёнида турғанлар. Айни пайтда турк хоқонлари ҳам хоқонликнинг то сўнгти ўйларигача ўлкани ўз тупроғи сифатида кўрганлар. Дарвоҷе, ат-Табарий келтирган қуийдаги маълумот ўлканинг Турк хоқонлиги наздида қандай аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Турк хоқони арабларнинг Хуросондаги ноibi Асад ибн Абдуллоҳга қаратса шундай дейди: «ҳарбий сафарлар учун дарёнинг нариги тарафидаги ерлар сенга камлик қилдими? Очкўзлигинг қўзибди, акс ҳолда Хут-

<sup>22</sup> ат-Табарий асарининг русча (Тошкент) нашрида аш-Шазз тарзида берилган бўлиб, изоҳ қисмida Тоҳаристоннинг туркий ҳукмдорларидан бирининг исми ёки унвони эканлиги айтилган (Қаранг. «История» ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халилова). Ташкент. 1987. С. 124, 400). Г. Гибб унинг шад унвонли туркий ҳукмдор бўлганинги таъкидлайди (Gibb H. Orta Asya'da Arap fütuhatı. İstanbul, 1930, S. 10).

<sup>23</sup> История ат-Табари. Избранные отрывки... С. 129; Беленицкий А. М. Историко-географический очерк Хуттала.. С. 113.

<sup>24</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. 1. С. 289; Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Ташкент, 1975. С. 37-38.

<sup>25</sup> История Кирг ССР. Т. 1. Фрунзе, 1984. С.237.

талга келишга сенда ҳеч бир зарурат йўқ эди. Бу ўлка менга отабобомдан қолган».<sup>26</sup>

Ўлканинг расмий маъмурӣ лисони бўлмиш бағтрий тилида ёзилган VII-VIII асрларга оид юридик ҳужжатларда «хоқон» унвонининг учраши<sup>27</sup> ҳам хоқонлик олий ҳукмдорларининг Тоҳаристонда қайдаражада таъсир доирасига эга бўлганлигини кўрсатади. Буни ўша даврга мансуб «хоқон» унвонли Тоҳаристон тангалари<sup>28</sup> ҳам тасдиқлайди.

Тоҳаристонда қўлланилган унвонлар билан Турк хоқонлигининг марказий ҳокимиятига хос унвонлар деярли бир хил бўлган. Ўлкада ябгу унвонидан ташқари, хоқонликда учинчи ўринда турадиган «шад» унвони кенг истифода этилган. Жумладан, Тоҳаристон ҳукмдорларидан мазкур Тарду (618-630) «шад» унвонига эга бўлган. Шунингдек, юқорида кўриб ўтилган ат-Табарий асаридаги аш-Шазз аслида «шад» унвонли қуий Тоҳаристон ҳокими бўлиб, у Тоҳаристон ябғусининг ноиби эди<sup>29</sup>. Тан-шу йилномасида Гуду (Хуттал) ҳокимларидан Шаболо (Ишбара) эркин 739 йилда шад (Гудуши-Хуттал шад)<sup>30</sup> унвонли ўғлини Хитойга элчи қилиб юборгандиги қайд этилади. Маълумки, «шад» унвони Турк хоқонлигига юксак унвонлардан бўлиб, хоқоннинг ўғиллари ва жиянлари, яъни тегин (شاҳзода)лар бирор ўлкага маъмур қилиб тайинланган ва ўз қўшинига эга бўлганларидан кейин ушбу унвонга эришганлар. Бундан ташқари, ўлкада «тегин» унвони ҳам қўлланилиб, фикримизча у Тоҳаристон ябғуларининг оға-инилари ва ўғилларига нисбатан ишлатилган. Буни Надунили ябгу (700-720) томонидан 706, 718 йилларда Хитойга элчи

<sup>26</sup> История ат-Табари. Избранные отрывки... С. 246-247; Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М., 1964. С. 143-144.

<sup>27</sup> N. Sims-Williams. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions//Coins, Art and Chronology Essays on the pre-Islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. Wien. 1999. P. 255-256.

<sup>28</sup> Göbl R. Dokumente zur Geschichte der Iranischen Hunnen in Baktrien und Indien. Band I, Wiesbaden, 1967. S. 167-169, 192; Ба ратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии.. С. 23.

<sup>29</sup> Gibb H. Orta Asya'da... S. 10, 33.

<sup>30</sup> Гудуши-дастлаб, Э.Шаванн уни Хутталшоҳ тарзида изоҳлаган бўлиб, кейинги тадқиқотчилар ҳам уннинг изидан боргандар бўлсалар-да, А.Маявкин ушбу сўзнинг асли Хуттал-шад, яъни, «Хуттал давлатининг шади» шаклида эканлигини аниқлаган (Chavannes, 1903. Р. 168, 297; Маявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследование. Новосибирск, 1989. С. 281-282).

сифатида юборилган биродари Ашина Дэлэ Пуло (Ашина Тегин Бўғра) мисолида кўриш мумкин<sup>31</sup>. Шу билан биргаликда, Тан-шу йилномасида 752 йилда Гуду (Хуттал) вилояти ҳукмдори Ло-цзинцзе шеху (ябгу) тайинлангани ҳақида маълумот учрайди<sup>32</sup>. Тоҷикистонлик тарихчи Г.Ғоибов ушбу Ло-цзинцзе исмидаги «Ло» Тоҳаристон номининг хитойча вариантларидан бири, «цзинцзе» эса туркча «тегин» унвонининг хитой манбаларида шаклларидан бири сифатида изоҳлайди ва унинг луғавий маъноси «Тоҳаристон шаҳзодаси» бўлган, деб ёзади<sup>33</sup>. Қолаверса, VII-VIII асрларга мансуб Тоҳаристон тангаларида «тегин» унвонининг учраши ҳам бу даврда ўлкада мазкур унвоннинг ишлатилганини тасдиқлайди<sup>34</sup>. Бундан ташқари, Тоҳаристонда элтабар, тудун, тархон, эркин каби туркий унвонлар ҳам истеъмолда бўлган<sup>35</sup>. Шунингдек, бу ердаги баъзи вилоят ҳукмдорлари шоҳ, худот, малик (асли оромий) сингари қадимги эроний унвонлар билан ҳам фаолият олиб боришган.

Шимолий Афғонистон, Жанубий Тоҷикистон ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида баъзи Тоҳаристон ябгулари томонидан зарб этирилган тангалар учрамоқда. Жумладан, Тоҳаристоннинг ilk ябгулари Турк хоқонлиги ҳукмдорларидан Тўнг ябгу хоқон (619-630) шарафига тангалар зарб қилиришган бўлиб, уларда *GDH 'pzwn'* уур *MLK''n MLK* (юксак шарафланган, маликлар малиги Йеб (Ябгу) иборалари мавжуд<sup>36</sup>. Шунингдек, 645-653 йилларда ҳукмронлик қилган Тоҳаристон ябғуси Ишбара томонидан бостирилган тангаларда *šb 'lk'* уур *MLK'* (Ишбара Йеб (Ябгу) малик) жумлалари учрайди<sup>37</sup>. Ишбара ябгуга тааллуқли тангалар Ҳирот (643 й.), Хусп (Куҳистон; 645 й.), Шубурғон (Шибирғон; 650 й.) шаҳарларида ҳам зарб қилинган бўлиб, уларда мазкур шаҳарлар номи ҳам акс этган<sup>38</sup>. Тоҳаристон ябгулари-

<sup>31</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. II. С. 321; Chavannes E. Documents... Р. 287, 291.

<sup>32</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. II. С. 326.

<sup>33</sup> Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. Душанбе, 1989. С.26.

<sup>34</sup> Göbl R. Dokumente zur Geschichte... S. 142-143; Баратова Л.С. Древнетюркские монеты ... С. 23.

<sup>35</sup> Бобоёров F. Турк хоқонлиги даврида Тоҳаристон//Мозийдан садо. №4 (16), Тошкент, 2002, 10-11-бетлар.

<sup>36</sup> Harmatta J. La Medaille de Jeb Şahanşah//Studia Iranica, Tome II, Leiden, 1982. P. 167-180; Harmatta J. and Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara... P. 370.

<sup>37</sup> Harmatta J. and Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara... P. 371.

<sup>38</sup> op. cit. P. 371-372.

нинг қароргоҳи Балхда бўлган муддатда эса улар томонидан *ybgw bhlk'n* (Балх ябғуси)<sup>39</sup> унвонли тангалар зарб қилинган.

Тоҳаристон ябғулари бир қанча давлатлар билан элчилик алоқалари ўрнатишган. Жумладан, Ишбара ябғу (630-650) ҳукмронлиги даврида Хитойга уч маротаба элчи юборилган. Тан-шу йилномасида қайд этилишича, ушбу элчилар Хитой императорига ҳадя сифатида ўлкага хос бўлган түяқуш олиб боришган<sup>40</sup>. Дарвоҷе, Сўғд ўлкасига йўлланган тоҳаристонлик элчилар ўзлари билан түяқуш келтиришгани Афросиёб деворий расмларида сақланиб қолган<sup>41</sup>. Надунили ябғу 706, 718 йилларда Ашина Дэлэ Пуло (Ашина Тегин Бўғра) исмли биродарини Хитойга элчи сифатида юборганлиги ҳақида юқорида тўхталган эдик. 719 йилда эса Византия элчилари Тоҳаристонга келиб, тоҳаристонлик элчилар билан биргаликда Хитойга сафар уюштиришган<sup>42</sup>.

Бу даврда Тоҳаристонда будда дини кенг тарқалади. Тоҳаристон ябғулари ушбу динни қабул қилиб, унга ҳомийлик қиласидилар. Хусусан, хитой ва араб-форс манбаларида Тоҳаристон ҳукмдорлари ўлканнинг бир неча шаҳарларида будда ибодатхоналари барпо қилдирганиклари ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Сюан Цзан биргина Балх шаҳрининг ўзида 100 га яқин будда ибодатхонаси борлигини қайд қиласиди<sup>43</sup>.

Демак, V-VI асрларда Эфталитлар давлатининг таянч ҳудуди бўлган Тоҳаристон ўлкаси Турк хоқонлиги даврида ҳам муҳим стратегик нуқта бўлиб қолаверди. Хоқонлик узоқ жануби-ғарбий чегараларида ўлкаларни назорат остида тутиш ва бу ерларни Сосонийлар хуружидан ҳимоя қилиш учун Тоҳаристонни ўзининг ҳарбий-сиёсий ҳудуди(хинтерланд)га айлантиради. Шу сабабдан бу ерда ябғулар бошқаруви жорий қилинади. Бу эса кўпчилик тарихчилар орасида муқимлашиб қолган «хоқонлик Амударё ва Сирдарё оравлигидаги тарихий-географик ҳудудларнинг ишларига аралашмасдан, ўлпон олиб туриш билан чекланган, ҳокимият эса маҳаллий хонаёнлар, аксарият ҳолларда эроний сулолалар қўлида бўлган», деган мазмундаги фикрлар етарли асосга эга эмаслигини кўрсатади.

<sup>39</sup> Göbl R. Dokumente zur Geschichte... S.182-183.

<sup>40</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. II. С. 321.

<sup>41</sup> Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба... С. 47.

<sup>42</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. II. С. 331; Harmatta J. and Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara... Р. 380.

<sup>43</sup> Камалиддинов Ш. С. Историческая география... С. 303.

Хуллас, Тоҳаристон ўлкасининг қарийб икки аср давомида хоқонлик доирасида бўлиб, туркий ябгулар томонидан идора қилиниши, ўлгадаги аксарият вилоят ва шаҳарларда туркий сулолалар ҳукм юритиши бу ерда туркий ва форсий халқларнинг янада яқинроқ ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатларда бўлишига шароит яратади.

*G. Babayarov*

**К ИСТОРИИ ТОХАРИСТАНСКИХ ЯБГУ  
(VII-VIII веков)**

*В статье освещается история династии тохаристанских ябгу, правившей в VII-VIII вв. В частности, исследуются происхождение тохаристанских ябгу, имена правителей, годы их правления, дипломатические отношения с другими государствами. Использованы источники на китайском, арабском, персидском языках, а также данные нумизматики.*

*G. Babayarov*

**TO THE HISTORY OF TOKHARISTAN  
(VII-VIII centuries)**

*In article, will identified the history of the dinasty of Tokharistan Yabgu (King)s which lived in VII-VIII centuries. For instance, here investigated the origin of Tokharistan Yabgu (King)s, their names, chronology of reigns, and diplomatic relations. Here were use of informations from Chinese, Arabic, Persian sources and other numismatic materials.*

O. Лисицкая

## ПРОНИКОВЕНИЕ КАТОЛИЧЕСТВА В ЦЕНТРАЛЬНУЮ АЗИЮ В ПРОЦЕССЕ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ХРИСТИАНСТВА В СРЕДНИЕ ВЕКА

Избрав в первые годы независимости миролюбивую политику построения нового общества, где соблюдались бы права всех людей независимо от их взглядов и вероисповедания, Узбекистан строит отношения на уважении религиозных чувств верующих. Еще в первой половине девяностых годов XX столетия Президент Ислам Каримов четко определил отношения государства с религиозными организациями: «Насколько государство будет уважать религиозные чувства и права верующих, настолько же и верующие должны уважать законы и политику государства. Только при таком равновесии не будет никаких взаимных обид».<sup>1</sup>

Достижение подобного баланса позволило нашей республике избежать конфликтов на религиозной и национальной почве. Кроме того, межнациональное согласие и поликонфессиональность – стали своеобразной визитной карточкой независимого Узбекистана. То, что представители различных вероисповеданий живут бок о бок и имеют возможность свободно исповедовать свою религию – один из важных факторов построения общества, основанного на принципах толерантности.<sup>2</sup> Это, в свою очередь, подразумевает налаживание конструктивного межконфессионального диалога.

В этом отношении Узбекистан может оперировать богатым историческим опытом, поскольку на протяжении тысячелетий он является центром взаимодействия и сосуществования различных религий, культур и укладов. С древних времен здесь тесно соседствовали и, дополняя, обогащали друг друга мусульманская, христианская, буддийская и другие цивилизации. И сегодня, когда широко

<sup>1</sup> Каримов И. А. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Т. 2. Ташкент, 1996. С. 197.

<sup>2</sup> Согласно определению, записанному в Декларации принципов толерантности (подписана 16 ноября 1995 г. в Париже 185 государствами-членами ЮНЕСКО, в том числе и Узбекистаном), толерантность означает «уважение, принятие и правильное понимание богатого многообразия культур нашего мира, наших форм самовыражения и способов проявления человеческой индивидуальности». А это означает и терпимое отношение к иным национальностям, расам, цвету кожи, религиозным убеждениям, языку, социальному происхождению и т.д.

изучается история узбекской государственности, появилась потребность в объективном ее освещении, в том числе и истории религиозных общин, внесших определенный вклад в процесс формирования духовных ценностей. С этих позиций представляется актуальным исследование такой малоизученной темы, как история одного из течений христианства — католичества.

Христианство в Центральной Азии в первых веках нашей эры распространялось в результате процесса, связанного с возникновением торговых трасс Великого шелкового пути, с оттоком христиан (мелькитов, яковитов, несториан), в основном из Персии и Сирии, в периоды гонений<sup>3</sup>, а также с миссионерской деятельностью. Если в начале этот процесс носил стихийный характер, то с массовым переселением несториан (конец V — начало VI вв. н.э.) стал более упорядоченным.<sup>4</sup> Часто прибытие монахов и священников лишь завершало создание церковной организации в тех местах, где уже ранее распространялось христианское учение. Например, в IV в. учреждается епископат, а затем и митрополия в Мерве. К VI-VII вв. относится создание несторианских митрополий в Самарканде, Винкерде (ныне территория на границе Ташкентской и Сырдарьинской областей) и т.д. По данным источников, в IX в. каждому митрополиту на Востоке подчинялось от 6 до 12 епископов, что свидетельствует не только о широком развитии христианства, но и об отложенной деятельности духовенства.

К X в. относятся первые сведения о христианах в горном районе Шавдар под Самарканом (ныне Ургут). Арабский географ и путешественник Ибн Хаукалъ, называя это селение Вазгерд, указывает на наличие здесь церкви-монастыря, которая ведет разнообразную

<sup>3</sup> О гонениях на иранских христиан при Шапуре II (309-379) и о переселении их на Восток свидетельствует армянский историк V в. Егише: «... И сколько ни пытался он [Шапур] воспрепятствовать, все больше и больше возросли они [христиане] и размножились и достигли страны Кушан. И оттуда [христианское учение] распространилось на юг до Индии» (Егише. О Вардане и войне Армянской. Ереван, 1971. С. 65).

<sup>4</sup> Письменные свидетельства о христианах-несторианах в Средней Азии подтверждаются многочисленными археологическими находками. См.: Анбоев И. Древний несторианский клад в г. Ташкенте //Изв. АН УзССР, серия «Общественные науки». 1959. № 6; Бартольд В. К вопросу об археологических исследованиях в Туркестане. Соч. Т. 4. М., 1966; Вайнберг Б. Монеты древнего Хорезма. М., 1977; Кухаренко Н., Мальцев Ю. К символике изображений креста в Средней Азии// Взаимодействие и взаимовлияние культур на Востоке. 3-я Всесоюзная конференция востоковедов. М., 1988; Лютов М. Несторианство в Средней Азии// Туркестанские ведомости. 1886. № 18,19; Массон М. Городища старого Термеза и их изучение// Труды Узбекистанского филиала АН СССР. Серия 1.

хозяйственную деятельность.<sup>5</sup> Историк Мухаммад Наршахи упоминает также христианскую церковь, действовавшую в Бухаре до 893 года.<sup>6</sup>

Таким образом, существование несторианских общин в различных районах Центральной Азии говорит о масштабности миссионерской деятельности несториан.

В литературе сообщается, что в крае проживало и немало православных мелькитов. Наиболее ранние сведения об их общине в Хорезме имеются в «*Notitia episcopatum*» — списке епископий, датированном VIII веком.<sup>7</sup> В нем приводится перечень семи епископий Доросской (Крымско-Готской) митрополии. Как считает С.П. Толстов, упоминаемая в списке Хвалисская епископская кафедра является хорезмийской.<sup>8</sup> Позже о христианах-мелькитах в Хорезме X-XI вв. свидетельствует Беруни<sup>9</sup>, а в XIII в. —Иоанн де Плано Карпини,<sup>10</sup> архиепископ Антиварийский, который был направлен Папой Иннокентием IV во главе духовной миссии к монгольскому хану весной 1245 г. Путешествие длилось более двух лет и проходило через Хорезм, Семиречье и Тарбагай в Центральную Монголию. Будучи в Орнасе (Ургенче), миссионеры отметили, что «город очень многоязычный, очень много христиан, именно хазар, русских, албанов и других, а также саррацинов».<sup>11</sup>

Появлению на территории Центральной Азии католических миссий в XIII в. предшествовала цепь историко-политических событий, вызвавших интерес латинского Запада к странам Востока. Еще с XII в. Папы Римские посыпали своих легатов в Центральную Азию, принимая, таким образом, деятельное участие в развитии диплома-

<sup>5</sup> Вып. 2. Ташкент. 1941; Пантусов Н. Памятники христианства в Средней Азии// Туркестанские ведомости. 1886. № 46; Ртвеладзе Э. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник: Древность и раннее средневековье. Ташкент. 1999; Толстов С. По следам древнехорезмийской цивилизации. М., 1953; и др.

<sup>6</sup> Бетгер Е. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул-Касыма ибн Хаукаля// Труды САГУ. Археология Средней Азии. IV. Ташкент, 1957. С. 18.

<sup>7</sup> Наршахи Мухаммад. История Бухары. Ташкент, 1897. С. 70.

<sup>8</sup> Boor C. De. Hacthge zu den Notitia Episcopatum. Zeitschrift fur Kirchengeschichte. XII. 1891. S. 520-534.

<sup>9</sup> Толстов С.П. Новогодний праздник «каландах» у хорезмийских христиан начала XI в// Советская этнография. 1946. № 2. С. 90-92.

<sup>10</sup> Беруни Абу Райхан. Памятники минувших поколений// Избранные произведения. Т. 1. Ташкент, 1957. С. 318.

<sup>11</sup> Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. М., 1957. С.46.

<sup>11</sup> Там же.

тических отношений между Западной Европой и восточными странами. В XIII и XIV вв. количество католических миссий в Центральную Азию увеличивается,<sup>12</sup> что связано с появлением нищенствующих монашествующих орденов. Являясь официальными послами папского престола, монахи, по сути, выполняли дипломатические функции. Кроме того, как путешественники, они внесли значимый вклад в развитие науки. Собранные ими материалы, наблюдения об обычаях и нравах местных народов, натуралистические и путевые записи представляли огромный интерес не только для их современников, но и для нынешних исследователей. Находившиеся на территории Центральной Азии миссионеры занимались также распространением христианского учения.

В одной из своих работ В. Бартольд рассказывает о европейце-христианине Исоле, служившем около 80 лет монгольским императорам. В 1291 г. Папа Римский, отправляя в Центральную Азию францисканцев с письмами, адресовал одно из них к Исолу. В письме, в частности, Папа хвалил Исола за ревностное отношение к христианству, за покровительство предыдущим миссионерам и выражал просьбу о продолжении деятельности.<sup>13</sup> Имеются также сведения о католиках, пользовавшихся некоторым влиянием у ханов Ильчиgidая и Джекиши (20-е, 30-е годы XIV в.) — католические епископы жили сначала в Самарканде, потом в Алмалыке (ныне территория восточного Казахстана).<sup>14</sup> Существование Алмалыкского епископства подтверждают воспоминания папского легата Джованни Мариньоли. «Через три года после того, как мы покинули папский двор (1338 г.), мы прибыли к границе Армалека (Алмалыка)... Там мы построили церковь, купили земельный участок... отслужили обедню и окрестили несколько человек. Мы проповедовали свободно и откры-

<sup>12</sup> Спустя несколько лет после возвращения Плано Карпини (1253 г.) в Среднюю Азию была отправлена миссия во главе с монахом-францисканцем Гильомом Рубруком (Гильом де Рубрук. Путешествие в восточные страны. См.: Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. М., 1957). В 1249 г. состоялась миссия доминиканца Андре де Лонжюмо (Кляшторный С. Восточный Туркестан глазами европейских путешественников. Алма-Ата, 1991), в 1279-1289 гг. — миссия во главе с францисканцем Иоанном де Монке Карвино (Бартольд В. Пизанец Исол// Записки Восточного отделения императорского русского археологического общества. Т. IV).

<sup>13</sup> Бартольд В. Пизанец Исол. С. 327-331.

<sup>14</sup> Бартольд В. К вопросу об археологических исследованиях в Туркестане. Соб. соч. Т. 4. М., 1966. С. 107.

то, не убоявшись того, что всего год назад епископ и шесть братьев миноритов приняли там мученическую смерть».<sup>15</sup>

По данным Грегора Приходько, ссылающегося в своих исследованиях на хроники ордена францисканцев, Алмалыкская (основана до 1328 г.), а также Самаркандская и Ургенчская (возникшие позже) епархии входили в состав Ханбалыкской архиепархии.<sup>16</sup> Следует отметить, что первые попытки в организации церковных структур на территории Центральной Азии предпринял Папа Николай III еще в 1278 г. Но лишь в 1318 г. Папа Иоанн XXII создал архиепископскую кафедру в Ханбалыке (Пекине) во главе с францисканцем Иоанном да Монтекорвино,<sup>17</sup> в подчинении которого находились шесть епископов. В итоге количество миссионерских епархий на Востоке достигло 31.

Сведениями о том, как протекала деятельность епархий, когда они прекратили свое существование и с чем это связано, мы не располагаем. Еще Папа Николай III, задумывая организацию данной церковной структуры, указывал на необычность этого проекта – католические миссии обосновывались во владениях нехристианских правителей. Поэтому стабильность их положения всецело зависела от позиции ханов по отношению к католикам. Лояльные правители всячески способствовали охране католических храмов и колоколен, священники пользовались некоторыми привилегиями, в том числе и освобождающими их от всякого рода налогов. К принявшим христианскую веру местным жителям ханы также относились благосклонно. Но стоило прийти к власти человеку, негативно настроенному, как начинались преследования христиан. Примером может служить судьба Алмалыкской епархии, которая процветала до смерти благосклонного к ней хана. Один из первых его преемников (принадлежащий к ордену дервишей) в 1340 г. уничтожил монастырь францисканцев, а местные христиане отреклись от католической веры.

<sup>15</sup> Цит. по кн.: Кляшторный С. Восточный Туркестан глазами европейских путешественников. Алма-Ата, 1991. С. 15-16.

<sup>16</sup> Грегор Приходько. Древние корни христианства в Казахстане и Средней Азии. <http://www.rc.net/kazakhstan/jp/prich.html>.

<sup>17</sup> Бартольд в своей работе дает другое написание имени - Иоанн де Монте Карвино. См.: Пизанец Исол // Записки Восточного отделения императорского русского археологического общества. Т. IV. С. 330.

Вполне возможно, что подобная участь постигла и другие восточные епархии. Позже католики на Востоке просили Рим послать им новых священников, но по ряду причин последующие миссии не состоялись. Среди них – дальняя, сопряженная с трудностями и опасностями дорога, эпидемия чумы, а также раскол в Западной Церкви.

Резюмируя изложенное выше, можно сделать вывод, что на протяжении почти десяти столетий на территории Центральной Азии существовало христианство различных направлений. Тот факт, что даже после утверждения ислама государственной религией христианство занимало определенные позиции, свидетельствует о зарождении уже тогда традиций толерантности, веротерпимости. Последние упоминания о христианстве датируются XVI–XVII вв., хотя как массовое явление оно прекратило существование еще в XIV в. Исследователи называют ряд обстоятельств, сходясь, однако, в том, что главное – это борьба несториан с мусульманами за главенствующую роль, восстание и, как следствие, исчезновение христианских общин по всей Центральной Азии.

Тем не менее, католичество и христианство в целом внесли свой определенный вклад в материальную культуру, искусство, обычаи народов этого региона. Символика, пришедшая с христианством, органическим образом вплелась в местные изобразительные мотивы, отражаясь и в архитектурном оформлении (отмечено сходство композиций на согдийских оссуариях и христианских саркофагах).<sup>18</sup> Происходит заимствование христианских сюжетов в текстильных орнаментах согдийцев. Отдельные детали костюма ранних христиан до сих пор сохранились в бухарском свадебном наряде невесты.<sup>19</sup> Некоторые тюркские правители, придерживавшиеся христианского вероисповедания, выпускали монеты в подражание византийским. Известны, к примеру, монеты ферганского царя, датируемые VI в., афросиабские –VII в. Подобная взаимосвязь культур Запада и Востока нашла свое продолжение и в последующий период распространения христианства в Центральной Азии во второй половине XIX в.

<sup>18</sup> Из истории древних культов Средней Азии. Ташкент, 1994. С. 68.

<sup>19</sup> Там же. С. 101.

*O. Лисицкая*

**ЎРТА АСРЛАРДА ХРИСТИАНЛИКНИНГ МАРКАЗИЙ**

**ОСИЁДА ТАРҚАЛИШИ ЖАРАЁНИДА КАТОЛИК**

**МАЗҲАБИНинг КИРИБ КЕЛИШИ ТАҲЛИЛИ**

*Мақола Марказий Осиё ҳудудига илк насронийлик динининг кириб келиши тарихига багишланган. Унда Марказий Осиёда насронийликнинг турли мазҳаблари пайдо бўлиши, уларнинг маҳаллий халқлар маданияти, урф-одатлари ва анъаналарига таъсирни таҳдил этилган.*

*O. Lisickay*

**OF CATHOLIC PENETRATION IN CENTRAL ASIA DURING THE PROCESS  
OF DISSEMINATION OF CHRISTIANITY IN THE MIDDLE AGES**

*An article is dedicated to history of early Christianity on the territory of Central Asia. The way of the appearance in Central Asia of Christianity's different derivations, their influence upon culture custom, traditions of local folk considered in article.*

*Б. Бабаджанов, М. Шуппе*

**ЧОР-БАКР – СЕМЕЙНАЯ УСЫПАЛЬНИЦА ДЖУЙБАРИДОВ<sup>1</sup>**

Среди мусульманских культовых памятников Центральной Азии особый интерес представляют погребально-поминальные комплексы (некрополи), которые среди местного населения обычно называются *мазор*, *авлиё-жой*, *зиёратгоҳ* и т.п. Их возникновение связано с генезисом и развитием культа святых в исламе, а также с процессом исламизации древних культовых мест. Считалось и продолжает считаться, что быть погребённым подле («у ног») «святого» – значит иметь в Судный день защиту, исходящую от его «барака», т.е. снизошедшей на него (благодаря личной праведности) благости Бога. За многие столетия подобные культово-погребальные комплексы аккумулировали в себе самые разнообразные функции и формы куль-

<sup>1</sup> Авторы представляемой статьи подготовили к публикации иллюстрированную монографию (на французском языке) эпиграфических памятников Чор-Бакра и его вакуфных документов: *Les inscription persanes de Char Bakr, necropole familiale des khwaja Juybary pres de Boukhara. Par Bakhtiyor Babajanov et Mariya Szuppe. In: Corpus Inscriptionum Iranicarum. London, 2002. 340 p.* Статья написана на основе введения к упомянутой монографии.

тов (большая часть которых восходит к доисламским) – обрядам и с этой точки зрения почти не изучены. Это особенно касается *мазаров*, расположенных на территории бывших советских среднеазиатских республик, где исследовались собственно архитектурные памятники, но не в контексте их религиозно-культовых функций, а как предметы искусства зодчих<sup>2</sup>.

Туркистон коммунистларининг III съездида (1919 йил 6 июн) «Фарфона масаласи» тӯғрисида махсус тузилган комиссия ҳисоботи тингланаётган пайтда бир мусулмон коммунистнинг хати ўқиб берилади. Т.Рисқуловнинг қаламига мансуб «Инқилоб ва Туркистоннинг туб аҳолиси» номли китобида ушбу мактубнинг тўла матни келтирилган. Туркистонда совет ҳокимияти томонидан ўтказилаётган шовинистик сиёsat ва қизил армиянинг босқинчиликлари мактубда қўйидагича фош қилиб ташланади: «Биз шўрлик мусулмонларни қонхўр Николай замонида қандай ҳайвон ўрнида кўришган бўлса, йўқсиллар ҳукумати даврида ҳам шундай... Ҳозир ҳам зулматда яшамоқдамиз, оч, яланғоч, итга ўхшаб хор бўлиб ўлиб кетаяпмиз. Бунинг учун ким айбдор?.. Масалан бир камбағалнинг битта оти ва араваси бўлган, у извошлик қилиб оиласини боқиб турган. Унигина бир қизил аскар кириб келади, оила нима ҳисобига кун кечиради, буни сўраб ҳам ўтирумайди. Наҳотки бу фирмә дастурида кўрсатилган бўлса...»<sup>19</sup>.

Туркистон иқтисодиётига берилган оғир зарбалардан бири, қишлоқ хўжалигида юритилган номақбул сиёsat бўлди. Шундай хато сиёsatлардан бири ўлка қишлоқ хўжалигида коммуналар, социалистик ақидаларни кўр-кўронча жорий қилиш бўлди. Қуйида бир оз ба-тафсил келтирилган далиллар коммуналарнинг асл моҳиятини очиб беради. Большевиклар томонидан ҳеч бир тайёргарликсиз, тажрибасиз ва калта ўйланган коммуналар ташкил қилиш ўлка қишлоқ хўжалигига оғир зарба бўлиб тегди. Ўлкада энг йирик коммуна «Интернационал» фаолиятини олиб кўрайлик. У 1918 йил 25 июлда ташкил

<sup>18</sup> ЎзР МДА, 17-фонд. 1-рўйхат, 45-иш, 221- варақ.

<sup>19</sup> Рысколов Т. Революция и коренное население Туркестана. Ч. I. 1917-1919г. Ташкент: Уз ГИЗ. 1925. С. 101.

этилган бўлиб, 1 ноябрга келиб 152 та бўлимдан иборат бўлган. Уларга 8818050 сўм 50 тийин ажратилди. Унинг ишлаб чиқариш восита-ларига бўлган эҳтиёжи 40244000 сўм ва қўшимча равишда боғдор-чилик асбобларига 50000 сўмни ташкил қиласди...

Турли инвентарлар учун бозор баҳосида 50300000 сўм, кийим-бош учун 159100000 сўм лозим. Умуман олганда, ягона хўжалик эҳтиёжини меъёрий белгилаш учун оз эмас, кўп эмас 641769000 сўм ёки ҳар бир хўрандага 70000 сўм сарфланди<sup>20</sup>. Очликдан қирилаётган ҳалқни боқиш учун очарчиликка қарши кураш комиссиясига 1922 йил 1 январидан 1 декабргача бор-йўғи 25546242 сўм ажратилган<sup>21</sup>.

Ер ишлари комиссарлиги «коммуна»ларни бойларнинг бўш ётган ерларида эмас, ўрта ва майда деҳқонларнинг ерларида ташкил этиб, катта хато қиласди. Коммуналарга сарфланган маблағлар ўзини оқламади. Улар маҳсулот етишириши кўпайтириш ўрнига, ҳатто ўзларини ҳам боқа олмадилар. Бир сўз билан айтганда коммуналар ўлка учун бутунлай яроқсиз эканлигини кўрсатди. Ерларни бундай талон-тарож қилиниши, чоризм мустамлакачилик сиёсатида муҳим ўрин тутган кўчириб келтириш сиёсатининг давомидек эди.

1920 йил март ойида бўлган пахтакор-деҳқон кооперативларининг II съездида Турккомиссия аъзоси Я.Рудзутак: «Ерларнинг меҳнаткаш эгалари ҳайдалиб, уларнинг ўрнига текинхўр коммуналар ўрнатилдики, натижада улар меҳнаткаш аҳолини амалда таладилар, чорваларни ва ҳалқ пулларини еб битирдилар»,<sup>22</sup> дея очиқ тан олишга мажбур бўлган эди.

Хулоса қилиб айтганда большевиклар ҳар қандай оғир шароитда ҳам, ҳаттоғи фуқаролар ҳаёти эвазига ҳам амалга ошиши қийин режаларни тиқишитирдилар. Бироқ, камбағалларни тез орада фаровон этиш ҳақида қанчалик кўплаб ваъдалар берилмасин, Туркистон ҳалқлари боши азиятдан чиқмай қолди. Ҳокимият учун, хўжайнлик ҳуқуқи учун аёвсиз кураш олиб борган большевиклар иқтисодий қонуниятларнинг азалий шартларини қўпоплик билан қўпориб ташладилар.

Шундай қилиб, Туркистон иқтисодиётида большевиклар томонидан қўлланилган «ҳарбий коммунизм» сиёсати ўзидан оғир асоратлар қолдирди. Большевикларнинг фақат қатъий давлат буюртмаси-

<sup>20</sup> Народное хозяйство Туркестана. 28 декабря. 1919 г. № 38. С. 8 (Кўчирма қисқартириб олинди).

<sup>21</sup> ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 75а-иш, 55-варақ.

<sup>22</sup> Народное хозяйство Туркестана. 1 марта. 1920 г. № 4. С. 32.

2003

3-son

га асосланган, маҳаллий халқни талон-тарож этишга қаратилган бундай «иқтисодий» сиёсати натижасида Туркистон ўлкаси марказни арzon хом ашё билан таъминлаб турувчи тайёр саноат маҳсулотлари сотиладиган бозорга айлантирилди.

*M. Хайдаров*

### **ПОЛИТИКА «ВОЕННОГО КОММУНИЗМА» В ЭКОНОМИКЕ ТУРКЕСТАНА**

*После октябрьского переворота в 1917 г. большевики полностью захватили власть и наследали управленческие методы политической и экономической централизации в Туркестане.*

*В статье, ссылаясь на исторические источники и архивные материалы, рассказывается об экономической политике большевиков, описываются годы голода и её причины, несправедливость в системе государственного снабжения и распределения.*

*M. Haidarov*

### **THE POLICY OF "MILITARY COMMUNISM" IN THE ECONOMY OF TURKESTAN**

*After the bolshevist coup in 1917, bolsheviks had managed to establish a economically and politically centralized government in Turkistan.*

*Relying on the archive and historical literature, the article covers methods of requisition and nationalization, poverty and unjustified "card system" of the bolshevistic economic policy.*

*X.Юнусова*

### **СОВЕТ ҚАТАФОН СИЁСАТИНИНГ СҮНГТИ БОСҚИЧИ ТАРИХИДАН (80-йиллар «пахта иши» уйдирмалари мисолида)**

Совет давлатининг иқтисодиётни «социалистик режа» асосида бошқариш амалиёти мустабид тузумни инқизога олиб келган асосий сабаблардан бири бўлғанлигини тарих исботлади. Чунки «социалистик режалаштириши» азалдан ноилмий бўлиб, кўкларга кўтариб мақталган «беш йилликлар» эса пухта ўйланмаган, асосланмаган ва бажариб бўлмайдиган вазифалар эди. Барча «беш йилликлар»ни бажарилмай қолганлигини яшириш мақсадида қуруқ «сиёсатбозлию» авж олдирилар, сиёсий мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда «социализмнинг афзалликларини» кўрсатиш мақсадида «беш йилликлар ортиғи» билан бажарилди, деб эълон қилинарди.

Пухта ўйланмаган ва илмий асосланмаган ижтимоий-иқтисодий режаларни ижросини таъминлаш мақсадида сиёсий сафарбарликдан бошлаб, мажбуrlаш ва зўравонлик усуллари қўлланилган эди. Мустабид совет давлатининг дастлабки кунлариданоқ бошланган бу сиёсат «социалистик жамиятнинг» барча тармоқларида қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, ёлғон маълумотлар бериш каби салбий иллатлар томир отиб борди. Халқ хўжалигидаги «стахановчилик», «юз центнерчилик», ҳатто, «маданий инқилоб», кишилар маънавий оламида юз берган «туб ўзгаришлар» ҳам қўшиб ёзишдан бошқа нарса эмас эди. Умуман олганда, 70-йилларга келиб совет давлатининг қўшиб ёзиш амалиёти қўлланилмаган бирорта корхона, хўжалик ёки ташкилотни топиш қийин эди. Маълум бўлишича, 1989 йилга келиб қўшиб ёзишлар бутун мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 3 фоизига тенг бўлган<sup>1</sup>. Бу ўз навбатида мамлакатда вазиятни шу даражада чалкаштириб юбордики, ижтимоий, иқтисодий ҳаётнинг умумий манзарасини аниқ билиш имкони йўқолиб, иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳалари издан чиқиб, мамлакатнинг барча соҳаларида турғунлик холатини юзага келтирди. Иқтисодий суръатлар пасайиб боргани сари сарф-харажатлар ортиб, мамлакатда тақчиллик кучайиб кетди. Бу хусусда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: «марказдан бошқаришининг амалдаги тизими, унинг идоралари хўжалик юритиши услуга ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига сезиларли турткি бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди»<sup>2</sup>. Ана шундай мураккаб шароитда марказ халқнинг эътиборини асосий муаммолардан чалғитиши мақсадида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тангликнинг сабабларини минтақавий ва миллий ҳодиса сифатида таърифлади. Марказ ўзининг ноқобиллигини, иқтисодиётни бошқаришдаги жiddий хатоларни яшириш мақсадида асосий айни собық иттироқдош республикалар зиммасига юклашга, жамиятдаги тангликни юзага келтирган сабабларни улардан қидириб топишга ҳаракат қилди.

80-йилларга келиб Ўзбекистон собық Иттироқнинг юқоридаги масала бўйича «айбдор» қидирадиган «полигонига» айланди. Бир пайтлар «Ўзбекистонда ҳамма пахтакор», деган шиор энди «Ўзбекис-

<sup>1</sup> Шмелев Н., Попов В. На переломе: экономическая перестройка в СССР. М.: Изд-во Агентства печати Новости, 1989. С.44.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 76-бет.

тонда ҳамма порахўрга» айланди. Сиёсий раҳбарият Ўзбекистонни «совет Сицилияси» деб, «Ўзбекистон осмони» кўпдан буён омонат турганлигини исботлаш йўлига ўтиб олди. Марказдан республикага келган тергов гуруҳи бўлса «республикада авж олган коррупцияга» қарши курашувчилар бўлиб майдонга чиқди. Улар Ўзбекистонда «порахўрликларни» текшириш баҳонаси билан республикада қонунбузарликни кучайтириб, «пахта иши»ни ўйлаб топдилар ва қатағонларни бошлаб юбордилар. Бу уйдирмалар, аслида 80-йилларда бутун мамлакатда кучайиб кетган кўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик каби жиноятларни текшириш баҳонаси билан бошланган бўлса-да, лекин бу Ўзбекистонда бутун ўзбек халқига қарши қаратилган ҳаракатта айланиб кетди. Бу уйдирмаларга «ўзбеклар» деган миллий ном берилди ва «ўзбеклар иши»га айлантирилди.

Албатта, Ўзбекистон халқ хўжалигига ҳам бутун мамлакатда бўлгани каби кўшиб ёзишлар кучайганидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин, бу ўша даврларда кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистонда кўшиб ёзишлар, жиноятчилик, порахўрлик ниҳоятда кучайиб кетган республика деб қарашга асос бўлмасди. Чунки, республиканинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётида юзага келган қийинчиликлар мамлакат ҳаётидаги инқирозларнинг бир кўриниши эди, холос. «Пахта иши» бўйича текширувга жалб этилган «малакали терговчилар» бўлса Ўзбекистонни, гўёки, жиноятчилик кучайган республика деб қарадилар. Республикада иш бошлаган тергов гуруҳи «талон-тарож» қилинган бойликларни ундириб олиш билан овора бўлиб, халқ хўжалигидаги кўшиб ёзиш ҳолатларининг асосий сабабларини ва уни келтириб чиқарган омилларни текширмади. Улар кўшиб ёзишнинг сабабчиларини колхоз-совхоз раҳбарлари, одий деҳқонлар орасидан эмас, балки иқтисодиётни режалаштиришдан, марказнинг пахта экин майдонларини ва ҳосилдорлигини муттасил ошириш мақсадида реал имкониятни ҳисобга олмай чиқараётган қарорлардан қидириш лозимлигини тушунишни истамадилар. Шуни айтиб ўтиш лозимки, марказ ўзининг пахтага бўлган «иштаҳаси»ни қондириш мақсадида чиқараётган қарорлари хўжалик раҳбарларини оғир аҳволга солиб, ҳаддан ташқари юқори қилиб белгиланган режаларни бажариш амалда асло мумкин бўлмаганлиги сабабли, улар юқоридаги раҳбарлар тазиёки остида ҳосилга кўшиб ёзишга мажбур бўлган эдилар. Вазиятни тушунишни истамаган тергов гуруҳи ходимлари бўлса бу пулларни талон-тарож қилинган маблағлар қаторига қўшдилар.

«Пахта иши» деб номланган бу уйдирмалар хусусида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ўша йиллардаёқ шундай деган эди: «Жумҳурият ва унинг меҳнаткашлари пахтанинг ялпи ҳосили кетидан қувишнинг азоб-уқубатидан партия, давлат нормалари ва қонунлари, ижтимоий адолатнинг айниб кетиши ва бузилишидан ҳали нафасларини ростлаб олмай туриб, худди ўша пахта билан боғлиқ қонунсизлик ва хўрлашнинг тегирмон тоши яна уларнинг боши устида айланба бошлади»<sup>3</sup>.

Ўзбекистондаги «жиноятларни» текшириш мақсадида мамлакатнинг турли минтақаларидан тўплланган терговчилар гуруҳига иттифоқ бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Т.Х.Гдлян бошчилик қилди. Кейинроқ иттифоқ прокуратурасидан юборилган терговчи Н.В.Иванов бу гуруҳга келиб қўшилиб, амалда Гдляннинг ёрдамчисига айланди. Ўзбекистонда тузилган тергов гуруҳининг сони баъзи кунларда 200 дан ошиб кетди. Ўзбекистон аста-секин «тергов усуслари тажрибаси ўтказиладиган майдонга»<sup>4</sup> айланниб қолди.

Марказ дастлабки кунданоқ тергов гуруҳига катта ваколатлар берди. Ушбу гуруҳ ўз фаолиятини асосан марказий партия ташкилотларининг берган топшириқларини бажаришдан бошлади. Дастлаб, республикада юқори лавозимда ўтирган амалдорларни ҳисбса олиш бошланди. Кейинроқ эса, ташвиқот йўли билан республикадаги оддий кишиларни ҳам ваҳимага солиб, улар устидан тўла назорат ўрнатишга муваффақ бўлинди. Бу мақсадга тўла эришилди ҳам. Улар марказ ёрдами билан республикада даҳшат ва қўрқувга асосланган муҳитни яратдилар. Қатағон қилингандарнинг ўрнига янги келган раҳбарлар эса марказ сиёсий раҳбариётининг республикадаги таянчи бўлиши лозим эди. Улар ўз навбатида жиноий жавобгарликка тортилиб, қамоқча олишларга норозилик билдиришлари, қатағон қилингандарни ҳимоя қилишлари қийин эди<sup>5</sup>. Бизнингча, бундай йўл тутилишидан мақсад қаттиққўллик билан марказ қарамогидаги халқларни танобини тортиб қўйиш, шу орқали мамлакатдаги мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан халқни чалғитиш, маҳаллий етук кадрларни, эркин фикрлайдиган зиёлиларни жиловлаб, бошқа собиқ иттифоқдош республикалардаги ўз мустақиллигини ўйлаётган иж-иц

<sup>3</sup> Тошкент ҳақиқати. 1990 йил, 5 июн.

<sup>4</sup> Тошкент ҳақиқати. 1990 йил, 3 февраль.

<sup>5</sup> Қаранг: Шубин А. В. От «застоя» к реформам. СССР в 1917-1985 гг. С. 705.

тимоий-сиёсий кучларни бўғиб ташлашга қаратишдан иборат эди. Айнан мана шу мақсадларга эришишда ва бошқа республикаларни кўрқитиб, янада «жиловлаб» олиш учун қатафоннинг янги палласини бошлаган эди.

Умуман, ушбу гуруҳнинг Ўзбекистондаги фаолияти давомида собиқ СССР ва Ўзбекистон ички ишлар вазирликларининг 20 раҳбар ходимини, Ўзбекистон КП МҚнинг тўрт котибини, бошқа бир қанча масъул ходимларни айблаб, жиноий жавобгарликка тортилди. Бу гуруҳ фаолияти давомида 800 дан кўпроқ «жиноий» иш тергов қилинди. Тергов қилинганларнинг 600 нафари раҳбар ходимлар, 10 нафари меҳнат қаҳрамонлари бўлган<sup>6</sup>. Умуман, республикада «пахта иши» бўйича 4018 киши жиноий жавобгарликка тортилди<sup>7</sup>. Ўша вақтларда колонияларда жой қолмагани учун улар Сибирь колонияларига жўнатилди.

Тергов гуруҳи дастлабки вақтданоқ «Ўзбекистонда ҳамма пора олади ва пора беради»<sup>8</sup>, деган сохта принципга таянди. Порахўрликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни камера-ларда сақлаб, асоссиз жисмоний жазо, мислсиз қийноқлар ҳисобига «ўз хатоларини» бўйниларига олишга мажбур этдилар<sup>9</sup>. Тергов гуруҳи жиноий жавобгарликка тортилганлардан ташқари минглаб кишиларни ҳам қамоққа олинган шахсларнинг «бойликлари» қаерда сақланбаётгани тўғрисида зўрлик билан маълумот олиш, баъзан гувоҳлик беришга мажбур қилиш мақсадида қамаб қўярди. Улар орасида кўп болали оналар, ҳомиладор аёллар, ёш болалар ҳам бор эди<sup>10</sup>.

Аммо, тергов гуруҳининг қилган зўравонлик муносабати ҳар қандай ҳалқа нисбатан чегарадан чиқувчи ҳодиса эди. Тергов гуруҳи ни қонунсизликларидан норози бўлган минглаб айбисиз жабрлангандар, уларнинг оила аъзоларини тергов гуруҳи томонидан камситилгани, ҳақорат ва таъқиб этилгани ҳақида шикоятлари 1983 йилдан бошлаб маҳаллий идораларга, марказдаги раҳбарларга келиб туша бошлади. Марказ ариза эгаларининг тақдирига шу даражада беҳафсалалик билан қарадики, аризалар ўз вақтида тўлиқ ўрганиб чиқил-

<sup>6</sup> Совет Ўзбекистони. 1989 йил, 27 декабр.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви. «Пахта иши» бўйича маълумотнома. З-том. 1-варақ.

<sup>8</sup> Шубин А. В. От «застоя» к реформам. СССР в 1917-1985гг. С.271.

<sup>9</sup> Ўша жойда. 269-бет.

<sup>10</sup> Шубин А. В. От «застоя» к реформам. СССР в 1917-1985гг. С.269.

мади, аксинча, улар текширилиб, хuloscha чиқариш учун қайтиб Гдляннинг қўлига тушаверди<sup>11</sup>. Аризалардан қандай хuloscha чиқарилгани, ариза эгалари билан ким суҳбат қилгани ҳам назорат остида бўлмаган. Шу тариқа ноҳақ қамалиб, руҳий ва жисмоний қўйноққа солинганлар, уларнинг оила аъзолари ёзган хатлар эътиборсиз қолдирилди. Бундай шикоятлар сони 1983-1984 йилларда 1212 тани ташкил этган бўлса, 1988 йилга келиб 2180 тага етди<sup>12</sup>.

Айни пайтда аҳолидан тушган шикоят аризалар сони ортиб бора-верди. Бунинг устига Гдлян республикада жиной жавобгарликка тортилганлардан зўрлаб «юқоридагиларга пора берганман», деган кўрсатмани ёздириб, марказдаги раҳбарларга нисбатан маълумотларни ҳам тўплаб бўлган эди. Шундагина, марказ сиёсий раҳбарияти ўзлари атайлаб Ўзбекистонга юборган тергов гуруҳи омма ўртасида сохта обрў ортириш учун мамлакатнинг олий табақа раҳбарларини ҳам обрўсизлантиришга, уларни ҳам порахўрликда айблашга ҳаракат қилаётганигини тушуниб етди ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан фойдаланиб, тергов гуруҳи фаолиятини текширишга киришди. Шу мақсадда 1989 йил май ойида КПСС МҚнинг партия назорати қўмитасида Т.Гдлян бошлиқ тергов гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолиятини текшириш юзасидан алоҳида комиссия тузилди.

Айни пайтда СССР халқ депутатларининг биринчи съездиде ҳам 16 кишидан иборат комиссия тузилди<sup>13</sup>. 1989 йил июн ойидан бошлаб то декабргача комиссия мажлисларида СССР прокуратураси ходимлари, Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари, СССР Олий Суди ва Ўзбекистон Олий Суди, жамоатчилик ташкилотлари вакилларининг сўзлари тингланди. Натижада 50 томдан ортиқ ҳужжат ва маълумотлар тўпланди.

Бу комиссияларга дастлаб Т.Гдлян ва Н.Иванов эътиroz билдирамадилар. Кейинроқ, СССР халқ депутатларидан иборат комиссия тузилиши арафасида қаршиликка зўр бердилар. СССР халқ депутатларининг биринчи съезди бўлаётган кунларда «Гдляндан қўлингни торт» сарлавҳали мақола чоп этилган «Голос избирателя» (Сайловчи овози) газетаси барча депутатларга тарқатилди<sup>14</sup>. Съездга

<sup>11</sup> Ўзбекистон овози. 1991 йил, 17 декабр.

<sup>12</sup> РГАНИ, ф.89, п.24, д.21, л.1.

<sup>13</sup> Первый съезд народных депутатов СССР. Стенографический отчет. Т.3. М.: Изд. Верховного Совета СССР, 1989. С.403.

<sup>14</sup> Тошкент ҳақиқати. 1990 йил, 3 февраль.

Гдлянни ҳимоя қилиш қўмитаси тузилган Зеленоград шаҳридан 70 минг киши имзо чеккан «Ўзбекистонлик депутатларни минбарга яқинлаштирмаслик» ҳақида сўралган хат келди<sup>15</sup>. Халқ депутатлари жойлашган меҳмонхоналар эшигига Гдлян гуруҳини қўллаб-қувватлашга ундовчи варақалар ёпишириб кетилди<sup>16</sup>. Тузилган комиссия таркибида Гдляннинг тарафдорлари борлиги сабабли, улар Ўзбекистондаги ишларни чуқур текшириб, объектив хулоса чиқаришга тўсқинлик қилдилар<sup>17</sup>. Улар Ўзбекистондаги вазият ўрганилаётган вақтда оммавий ахборот воситалари орқали турли чиқишлилар қилиб, митинглар уюштириб, Гдлян гуруҳининг Ўзбекистондаги бебошликларини оқлашга ҳаракат қилдилар. Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам Гдлян ва Ивановни ҳимоя қилувчи қўмиталар ташкил этилди<sup>18</sup>. СССР ички ишлар вазирлиги берган маълумотларда кўрсатилишича, Россиянинг турли минтақаларида «Гдлян ва Ивановни ҳимоя қилиш» шиори остида уларни ҳимоя қилишга ундовчи турли митинглар бўлиб ўтган. 1989 йил май ойидан 12 сентябрга қадар Россиянинг марказий шаҳарларида 51 та ана шундай оммавий чиқишлилар бўлиб, уларда 350 минг киши қатнашди<sup>19</sup>. Ҳатто, тергов гуруҳи аъзоларини моддий маблағ билан таъминлаши мақсадида маблағлар йиғилди<sup>20</sup>.

КПСС МҚ томонидан тузилган комиссия 1989 йилнинг охирига келиб ишни тугатди. Унинг хулосаларида аҳолидан келган шикоят хатларида битилган барча фактлар ва Ўзбекистонда «ўзбеклар иши» бўйича тергов ишларини олиб борган Т.Гдлян ва Н.Иванов бошчилигидаги гуруҳ кўп ҳолларда қонунчиликни бузганлиги ҳам ўз исботини топганлиги кўрсатилди. Шунингдек, ушбу комиссия хулосасида тергов ишлари бетартиб, қонунчиликни бузиш, фактларни соҳталаштириш, кишиларни терговларга керак маълумотларни беришга мажбурлаш йўли билан олиб борилгани, қамоқча олингандарни 4-5 йил асоссиз қамоқда ушлаш, руҳий таъсир кўрсатиш учун уларни маълум бир вақтгача терговга чақирмаслик ҳоллари бўлганлиги фактлар асосида кўрсатилди. Баъзи маҳбусларнинг ўз жонига

<sup>15</sup> Ўша газета, ўша сон.

<sup>16</sup> Первый съезд народных депутатов СССР. Стенографический отчет. Т.2. С.255.

<sup>17</sup> РГАНИ, ф.89, п.24, д.15, л.2.

<sup>18</sup> Тошкент ҳақиқати, 1990 йил. 3 феврал.

<sup>19</sup> РГАНИ, ф.89, п.24, д.7, л.1.

<sup>20</sup> Ўша жойда. 2-варақ.

қасд қилгани ҳам тергов гуруҳи олиб борган нотўғри ишларни натижаси эканлиги қайд этилди<sup>21</sup>. Комиссия Т.Гдлян ва Н.Ивановни ҳимоя қилаётган кишилар ҳаракатини «мамлакатдаги вазиятни оғирлаштиришга қаратилган ҳаракат» деб баҳолади. Комиссиянинг ҳисоботи 1990 йил 8 февралда СССР прокуратурасининг коллегиясида тингланди. Ушбу йиғилишда иштирок этаётган СССР ҳалқ депутати В.А.Ярин «прокуратура раҳбарлари ўз ходимлари йўл қўйган адолатсизликлар, бебошликлар учун ўзбек ҳалқидан кечирим сўраши лозимлигини айѓди»<sup>22</sup>.

Шуни айтиш лозимки, марказ сиёсий раҳбариятининг Т. Гдлян бошлиқ тергов гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолиятини текшириш юзасидан олиб борган ишини ўз вақтида ўзбек ҳалқи манфаатларни ҳимоя этиш, ҳурмати ва қадр-қимматини ўрнига қўйиш учун қилинган ҳаракат деб бўлмайди. Марказ дастлаб Ўзбекистонни жаҳон жамоатчилиги олдида, мамлакатдаги иқтисодий инқирознинг асосий сабабчиси қилиб кўрсатиб, тергов гуруҳи «ёрдамида» республикадаги «жиноятчиларни очиб ташлади». Гдлян гуруҳига бўлса катта ваколатлар берди. Бироқ, Т.Гдлян ва унинг гуруҳи барча қўшиб ёзишларнинг асосий иллати марказга бориб тақалишини, сиёсий раҳбариятнинг ҳам бунда қўли борлигини аниқлагач, бу гуруҳни «қонунбузарликда» айблаб, уларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида кўрсатма берди.

Марказдан катта ваколатлар олган Гдляннинг ўзини ҳам бу ишлардан кўзлаган мақсади бор эди. У республикалардаги қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликлар ва порахўрликларни асл сабаби иқтисодни «социалистик» режалаштиришнинг асоссизлигига ва ана шу асосланмаган ва бошқариб бўлмайдиган режани бажаришнинг имкони йўқлигидан келиб чиққанлигига эканлигини англаб етган бўлиши мумкин. Лекин, у ўзининг шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, тўплangan маълумотларнинг барчасидан ўзбек ҳалқини айблашда фойдаланди. Мамлакат иқтисодидаги инқирозларда фақат битта ҳалқ айбор бўлиши мумкин эмаслигини тушуниб етмади. Шу орқали у мамлакатда маълум вақтгача катта обрў ортириди, порахўрликка қарши курашда «қаҳрамонга» айланиб қолди. Маҳаллий аҳолини талаш ҳисобига беҳисоб бойликларни ҳам ўзлаштириди.

<sup>21</sup> РГАНИ, ф.89, п.24, д.3, л.2-5.

<sup>22</sup> РГАНИ ф.89, п.24, д.14, л.2-4.

Умуман, олганда юқоридагилардан кўриниб турибдики, совет давлатининг иқтисодни «социалистик» асосда режалаштириш сиёсати ўзини оқламади, оқибатда бу сиёсат миллий республикалар бошига мислсиз кулфатлар келтирди. «Пахта иши» уйдирмаларини йўлаб топиб, бутун совет жамиятини қамраб олган инқирознинг сабачиси қилиб фақат бир халқни айблади. Мана шу сиёсатнинг натижасида республикада тўрт йил давомида, яъни 1984 йилнинг июн ойидан 1988 йилнинг сентябр ойига қадар 58 минг раҳбар ходим алмаштирилди<sup>23</sup>. Буларнинг барчаси «порахўрлик» ва «ўғрилик» билан боғланди. Ўзбекистон ҳақида бутун мамлакатда ноҳуш ва адолатсиз фикр туғдирган марказ тўплаган сохта маълумотлари асосида бутун ўзбек халқини айловчи «пахта иши»ни «ўзбек мафияси»га айлантириди. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон халқи бошига тушган бу кулфатлар ва ўзбек халқи щаъннига туширилган доғ заминида мустабид совет давлатининг узоқни кўзлаб юритган нопок сиёсати ётган. Гдлян ва унинг тергов гуруҳи эса марказ сиёсий раҳбарлари учун вақтингчалик «қурол» вазифасини бажарган эди.

1989 йилнинг июн ойида республика раҳбари лавозимига сайланган И.А.Каримов ўз фаолиятини ўзбек халқини ҳимоя қилиш, топталган ҳуқуқларини тиклаш каби олий жаноб, хайрли ишни марказ ҳукмронлиги даврида ёқ кўрқмасдан адолатли ҳал этишга киришди. Ўзбекистон раҳбари яти марказнинг бу ишларини «инсон ҳуқуқларини оёқ ости» қилиш деб баҳолади.

И.А.Каримов ташаббуси билан «пахтачиликда қўшиб ёзишга йўл қўйганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида ҳужожатлар тўплайдиган маҳсус комиссия» тузилди. Комиссия текширувларидан сўнг Ўзбекистоннинг марказга келтирган «зарари» бўрттириб кўрсатилганлиги аниқланди. Давлат мулкини талон-тарож қилган деб айланганлар, аслида пахта планини бажариш режаси ҳақидаги ҳотўри ҳужожатларга имзо чекканлиги ва уларнинг ўзлари бир тийин ҳам ўзлаштирганларни аниқланди. Натижада, «пахта иши» бўйича судланганларнинг кўпчилиги оқланди, иш жойларига қайтарилди. Буни қуйидаги маълумотлардан кўришимиз мумкин.

<sup>23</sup> Шубин А.В. От «застоя к реформам». СССР в 1917-1985 гг. С.699.

Вилоятлар	Реабилитация қилинганлар <sup>24</sup>
ҚАССР	147
Хоразм	121
Қашқадарё	782
Сурхондарё	5
Бухоро	466
Самарқанд	477
Жиззах	60
Сирдарё	30
Тошкент вилояти	530
Андижон	113
Наманган	23
Фарғона	186
республика бўйича	2940

Шу тариқа Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти мустақиллик сари дастлабки қадам сифатида халқнинг бошига тушган кулфатларга барҳам бера бошлади ва бундай қатағонлар ҳеч қачон қайтарилмаслигига кафолат берди. Иш бу билан тугамади. Республика раҳбарияти «пахта иши» бўйича қайта текширув ўтказиш учун ҳаракатларни ҳам бошлаб юборди. Шу йилларда Республика Олий Суди раисининг ўринbosари бўлиб ишлаган А.А. Полвон-зода, Республика Бош прокурори ўринbosари Ҳ. Қодиров «пахта иши» юзасидан маълумотнома туздилар. Улар Гдлян ва Ивановнинг Ўзбекистон ҳудудида қилган файриқонуний жиной ишларини чуқур таҳлил этдилар. Улар аниқ далилларга таянган ҳолда маълумотномада Т.Гдлян ва Н.Ивановларни Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 149-бўлим 149-модда иккинчи қисм (мансабни суиистеъмол қилиш), 150-модда иккинчи қисм, 156-модда иккинчи қисм (гуноҳсиз кишиларни жиной жавобгарликка тортиш), 158-модда биринчи ва иккинчи қисм (қонунсиз қамоққа олиш ва қўлга олиш), 159-модда иккинчи қисм (сохта гувоҳлик беришга мажбурлаш), 93-модда иккинчи қисм (калтаклаш ва қийнаш), 112-модда «В» пункт (туҳмат билан жиной жавобгарликка тортиш) билан жиной жавобгарликка тортиш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар ва марказдан бу ишни текширишни Ўзбекистон прокуратурасига топширишни сўрадилар<sup>25</sup>. Бироқ, 1990

<sup>24</sup> ЎзР Олий Суди жорий архиви. «Пахта иши» бўйича маълумотнома. З-том. 13-вараг.

<sup>25</sup> ЎзР Олий Суди жорий архиви. Т.Гдлян ва Н.Ивановнинг Ўзбекистондаги фаолияти юзасидан тузилган маълумотнома.

2003

3-son

йил 30 августда янги сайланган СССР Бош прокурори бутунлай қонунга хилоф равиша Т.Гдлян ва Н.Иванов устидан олиб борила-ётган ишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Шу сабабли марказнинг ҳали-ҳануз республикалар устидан бўлган ҳукмронлиги тер-гов гуруҳи жиноятларини тўлиқ очишига имкон бермади, унинг иштирокчилари эса жавобгарликдан қутулиб қолди.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустабид ту-зум ўз моҳиятига кўра зўравонликка асосланганлиги, зўравонлик ва қатағон қилишининг foявий асоси «коммунистик идеология» экан-лиги яна бир карпа 80-йилларда Ўзбекистонда ўз ифодасини топди.

X. Юнусова

**ИЗ ИСТОРИИ ПОСЛЕДНЕГО ЭТАПА СОВЕТСКИХ РЕПРЕССИЙ**

(в 80-х гг. «Хлопковое дело» и его последствия)

*Анализируется репрессивная политика советского государства. На основе архивных материалов автор раскрывает начавшееся в 80-х годах «Хлопковое дело» и его последствия.*

H. Yunusova

**REPRESSIVE POLICY OF THE SOVIET STATE ON THE OF ARHIVE SORCES**

(the 80-called «Cotton Case» and its consequence)

*The article deals with the repressive policy of the Soviet state. On the basis of archive sources the author exposi the 80-called «Cotton Case» and its consequences which began in the 80s. Many cardes of national economy way subjeded repression during that period.*

*Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**Ф. Касымов***ИЗ ИСТОРИИ АРХЕОЛОГИЧЕСКОГО ИЗУЧЕНИЯ БУХАРЫ**

В археологическом отношении Бухара вплоть до начала XX века оставалась менее изученной, чем другие города и местности Средней Азии. Определенные причины – известная замкнутость политической и общественной жизни Бухарского эмирата, полное отсутствие в этом общепризнанном центре ислама традиций археологических исследований, трудности проникновения на территорию теократического государства зарубежных археологов – обусловили низкий уровень знаний по древнейшим периодам истории города и всего Бухарского оазиса.

Первые археологические сведения по Бухаре были сообщены английским путешественником Александром Бернсом. Побывав в 1832 г. в священном городе, он наблюдал базары и площади, невольничьи рынки и торговые купола, жизнь и быт эмирского дворца – аркации-тадели. В сочинении А.Бернса<sup>1</sup> имеется много данных исторического характера, в том числе археологического, этнографического и экономического. Вместе с тем, некоторые из них требуют критического подхода.

Вскоре была опубликована содержательная книга русского востоковеда Н.В. Ханыкова «Описание Бухарского ханства»<sup>2</sup>, из которой можно почерпнуть некоторый археологический материал. После установления Российского протектората над Бухарой (60-70 г. XIX в.) город и его окрестности сделались более доступными для историко-археологических исследований. В отличие от Самарканда (до 1868 г. входил в состав Бухарского эмирата), где археологические работы начались в 70-х годах, в Бухаре и оазисе в целом первые археологические изыскания были проведены лишь в конце века. В 1896 г. военный топограф Н.Ф. Ситниковский впервые произвел топографическую съемку оазиса<sup>3</sup>. Кроме картографических работ,

<sup>1</sup> Бернс А. Путешествие в Бухару. Т. 1-3. М., 1948-1949.

<sup>2</sup> История Бухары с древнейших времен до наших дней. Ташкент, 1976. С. 9.

<sup>3</sup> Ханыков Н. В. Описание Бухарского ханства. Спб, 1843.

он заинтересовался памятниками старины, обильно разбросанными по всей Зарафшанской долине. По существу, Н.Ф. Ситняковский имел дело с бухарской археологической целиной.

Он заметил и нанес на карту вал, представляющий собой остатки стены, которая в древние времена окружала бухарские поселения и служила защитой от частых набегов кочевников. Этот вал известен под названием Кампир-девол или Деволи-Кампир-рак. Первопроходец осмотрел также остатки городищ, пытаясь начать небольшие раскопки, не давшие, однако, ожидаемых результатов. Несомненная заслуга Н.Ф. Ситняковского подробное и обстоятельное описание ирригационной системы Бухарского оазиса. Заслуживает внимания его сообщение об интересной в археологическом отношении «местности Ходжа Убон» и найденных там монетах, описание которых приводится в приложении к его книге.

В конце 90-х годов прошлого столетия, благодаря переводу на русский язык широко известного сочинения Мухаммеда Наршахи «История Бухары» и некоторым комментариям к ней В.В. Бартольда, научной общественности впервые стало известно о древнем селении Варажша. В одном из примечаний к переводу книги Н.С. Лыкошина будущий академик первым упомянул о городище Варажша в научной литературе. Издание книги М. Наршахи под редакцией В.В. Бартольда с его примечаниями вот уже более века благотворно влияет на направления и результаты археологических изысканий в Бухарском оазисе. Забегая вперед, скажем, что именно данные, содержащиеся в книге средневекового автора, помогли нынешнему поколению археологов Узбекистана всесторонне разработать вопрос о возрасте города Бухара.

В 1913-1915 гг. Л.А.Зимин совершил несколько рекогносцировочных поездок по Бухарскому оазису. Он заново описал и сфотографировал остатки древнейшей стены между станцией Кызыл-Тепа и селением Хазара (Кампир-девол), посетил древние городища Пайкенд и Рамитан. На Варажше Л.А. Зимин не был, но в своем отчете о поездке 1915 г. сообщил, основываясь, видимо, на данных местных информаторов, о местонахождении городища: «На месте бугра Варажша по дороге из Бухары в Хиву, на расстоянии, вполне соответствующем 4 фарсахам или 1 дню пути, указываемому арабскими географами

2003

3-son

фами», а также о том, что бугор представляет собой обширные развалины, на которых местные жители часто находят монеты<sup>4</sup>. Развалинами Пайкенда в Бухарском оазисе заинтересовались члены Туркестанского кружка любителей археологии. По поручению правления кружка, тот же Н.Ф. Ситниковский посетил развалины Пайкенда и сделал сообщение о городище, в котором отметил прямоугольный план былой крепости и остатки жилых построек. В 1903 г. эти развалины посетили члены американской научной экспедиции под руководством Р. Пампелли. Их сведения, опубликованные в 1905 г. в Вашингтоне, вызвали критику у В.В. Бартольда<sup>5</sup>.

Член кружка А.Д. Салмыков, осмотрев остатки былых укреплений в бухарском округе, распознал «в курганах (тепе) замки прежних дехкан»<sup>6</sup>. Он пришел к заключению, что арк – это цитадель Бухары, которая никем из ученых к началу XX в. не была осмотрена полностью.

Русский комитет для изучения Востока и Средней Азии поручил Л.А. Зимину произвести раскопки в западной части Бухарского оазиса, на городище Пайкенд. При раскопках весной и летом 1914 г. он извлек богатый археологический материал в виде стекла, керамики, металлических и костяных предметов, относящихся к позднейшим временам существования города, а именно – к X–XII вв. На территории шахристана–ядра города, где проводились раскопки, было обнаружено здание, оставленное жителями в XI в.

После свержения эмирской власти в 1920 г. в Бухарской Народной республике была образована Комиссия по охране и изучению памятников старины (Бухкомстарис). Однако археологические исследования были самым слабым местом в деятельности указанной комиссии – не было специалистов-археологов, молодая республика находилась в огне гражданской войны, да и вообще археологическая наука во всей Средней Азии делала в 20-е годы первые робкие шаги. Следует отметить лишь работы гидрогеологической партии М.М. Решеткина. Произведя исследования в различных местах бухарского оазиса, они собрали некоторый археологический мате-

<sup>4</sup> Зимин Л.А. Отчет о двух поездках по Бухаре с археологической целью. ПТКЛА, год XX. Вып. 2, 1917. С. 131.

<sup>5</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Т. 4, М. С. 141–153.

<sup>6</sup> История Бухары... С. 9.

риал, который затем обработал М.Е.Массон<sup>7</sup>. Гидрогеологи нашли относительно позднюю средневековую керамику, датированную учеными IX–XVIII вв. Более старая керамика, возраст которой М.Е. Массон определил «провизорно в пределах от 2000 до 1500 лет» была обнаружена в количестве двух фрагментов, происходящих недалеко от Буран-тепа, что примерно в 35 км от Бухары.

Планомерное «археологическое освоение» г. Бухары и Бухарского оазиса начинается с 30-х годов. Маршрутная разведочная экспедиция Эрмитажа, Узбекистанского комитета по охране памятников старины под руководством А.Ю. Якубовского в 1934 г. вышла в путь по старой караванной тропе от Бухары до Самарканда. Была пройдена, однако, лишь часть этого пути до городища Дабусия, причем особенно подробно обследовалась северо-восточная окраина Бухарского оазиса с остатками древней стены Кампир-Девол. Были сняты планы построенных вдоль стен укреплений, развалины которых известны под названиями Кызыл-Тепе, Шах-Шахидан, Абумуслим, Бури-хана, Хазара. Ученые идентифицировали упомянутый Мухаммедом Наршахи в «Истории Бухары» и средневековыми географами Таваис с примыкающими к Кампир-Девол развалинами Шахри-Вайрон («разрушенный город»), неподалеку от кишлака Таваис, сохранившего древнее название города в восточной части оазиса. В западной части осмотрена холмистая местность Кудакан-Тепе и небольшое городище с очень интересной старинной мечетью в Баба-Хушарти. Кстати, не менее важный архитектурный памятник этого порядка—мечеть Деггарон, находящаяся на небольшом городище Хазара, привлекла внимание тем, что сотрудник экспедиции Урды Миргязов обнаружил там средневековый керамический материал—преимущественно «котелки», сосуды для варки пищи, изготовленные в основном из огнеупорной глины. Фрагментов «котелков» в шурфе около Хазары было так много, что создалось впечатление о массовом изготовлении их здесь на месте. Позже археолог В.А.Шишкин посчитал, что это название «Деггарон» (Котельщики<sup>8</sup>)—«дег» на фарси означает котел, казан, «гарон» — место, где изготавливали изделия.

<sup>7</sup> Массон М.Е. Некоторые результаты разбора археологических материалов, добывшихся при работах гидрогеологической партии М.М. Решеткина в бухарском оазисе в 1930 г. // Материалы по гидрологии Узбекистана. Вып. 15. Ташкент. С. 187-194.

<sup>8</sup> История Бухары... С. 9.

В 1935 г. В.А.Шишкен продолжил исследование древней стены Кампир-Девол, объездил все окраины Бухарского оазиса, обследовал остатки стены, сохранившиеся на его восточной и южной окраинах, и значительное число городищ и тепе. Неподалеку от железнодорожной станции Кую-Мазар археолог обнаружил группу курганов, составляющих Кую-Мазарский могильник, который ученые обстоятельно изучили позднее, в послевоенное время.

В середине 30-х годов сделана первая попытка определить время возникновения Бухары. В центре ее шахристана В.А.Шишкен провел археологическое исследование древней мечети Магоки-Аттари. Раскопки показали мощные культурные наслойения в этой части города, большую его древность, восходящую к началу нашей эры.

Накануне войны 1941-1945 гг. археологические изыскания велись и в Пайкенде. В 1939 г. Зарафшанская археологическая экспедиция Эрмитажа и ИИМК под руководством А.Ю.Якубовского изучала топографию древнего городища, производила небольшие раскопки цитадели в северо-восточной части «города купцов»<sup>9</sup>. В 1940 г. работы продолжил В.Н.Касаев. Все они носили разведочный характер и в определенной степени подготовили почву для будущего археологического изучения домусульманской Бухары.

В послевоенный период наиболее посещаемым археологическим объектом стал Варахша. В 1947 г. В.А.Нильсен, Л.И.Альбаум, В.А.Шишкен зафиксировали состояние городища и объектов, раскопанных в довоенное время, а в 1949-1954 гг. В.А.Шишкен успешно продолжил многолетние исследования, итоги которых обобщил в широкой монографии. Ее издание стало крупным шагом вперед в археологическом изучении Бухары<sup>10</sup>.

Почти одновременно с работами на городище Варахша произошли раскопки на бугре Талли-Гуза, расположеннном в 3 км на север от городища. Здесь были обнаружены наслойения, датируемые временем от начала нашей эры до V-VI вв. Тогда же талантливый узбекский археолог Я.Г.Гулямов открыл у озера Заман-Баба могильники эпохи бронзы<sup>11</sup>. Вскоре он же выявил следы культуры неолита

<sup>9</sup> Мухамеджанов А.Р., Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Д.К., Семенов Г.Л. Городище Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города Средней Азии. Ташкент. 1988. С.5.

<sup>10</sup> Шишкен В.А. Варахша, М., 1963.

<sup>11</sup> Гулямов Я.Г. Археология на службе у истории. Ташкент, 1976, С. 17 (на узб. яз.).

в виде микролитических орудий и грубой керамики с елочным орнаментом. Особое внимание археологов привлекло обнаруженное Я.Г. Гулямовым небольшое городище Кызыл-Кыр, где было вскрыто древнее здание с глинобитными стенами.

Планомерные археологические исследования на территории Бухары и оазиса в целом развернулись в 60-е годы. После установления 2500-летнего возраста Самарканда, отметившего свой юбилей в 1969 г., на повестку дня встал вопрос о возрасте других древних городов Узбекистана – Бухары, Хивы, Шахрисябза. В 1969 г. специальный археологический отряд, возглавляемый Я.Г.Гулямовым, провел внутри Бухары работы стационарного порядка. В отряд входили Г.В.Шишгин, Х.Дуке, Г.Дадабаев, И.Ахроров и др. Основные раскопки были сосредоточены в шахристане, шурфы были заложены у северной стены арка-цитадели, на площадке неподалеку от торгового купола Заргарон, у восточных ворот арки, но везде стали выступать грунтовые воды. В 1971 г. И. Ахроров заложил раскоп около здания Бухарского зиндана (тюрьма). До выхода грунтовых вод археологу удалось добраться до слоя XI века нашей эры и найти чаши, кубки и другие керамические изделия<sup>12</sup>.

Однако ответа на вопрос о возрасте Бухары эти материалы не дали. Признавая необходимость значительного расширения разведочных и раскопочных работ, ученые учитывали в то же время исторические особенности Бухары как трудного объекта археологических исследований, особенно исторически значимой территории города, где сконцентрированы архитектурные памятники, общественные здания и жилые дома. Весной 1974 г. группа ученых в составе директора Института археологии АН Узбекистана А. Аскарова, начальника Нижнезарафшанской археологической экспедиции данного института А. Мухамеджанова, академика Я.Г. Гулямова совместно с руководителями Бухарской области специально обсуждали новые стационарные археологические работы по вскрытию культурных наслойений города до материка, чтобы затем, на основе их анализа и датировки, установить возраст Бухары. Местом для большого стационарного раскопа избрана площадь рядом с медресе Абдулазизхана и недалеко от минарета Калян. Был вырыт котлован длиной в 40 и шириной 42 м. С наибольшей глубиной (9-20 м). Пробив город-

<sup>12</sup> Сааков В.Г. История Бухары: 100 вопросов и ответов. Ташкент, 1996. С. 14.

ские слои, археологи пытались установить их хронологическую последовательность от наших дней до середины первого тысячелетия до нашей эры.

Прослеживая, как периоды наибольшего расцвета ремесел и торговли, так и упадка городской жизни, археологи нашли подтверждение факту развития города на постоянном месте. Самые нижние его слои подстилает и перекрывает песконосное торфяное болото, которое подстилает сухой желтый материковый грунт коричневого оттенка.

Ценный научный материал дал так называемый «малый раскоп», заложенный в 20 км к юго-востоку от ворот зиндана. Здесь, в материковом грунте, был обнаружен обжитой слой, содержащий археологический материал, характерный для городищ середины первого тысячелетия до н. э. Этот материал прошел камеральную обработку, обсуждался в широком кругу специалистов-археологов. Их мнение было единодушным: результаты исследований неопровергимо свидетельствуют о том, что Бухара – ровесник Самарканда<sup>13</sup>. Этот научный вывод был положен в основу решения ЮНЕСКО о праздновании 2500-летия Бухары. Юбилейные торжества прошли в октябре 1997 г. Параллельно с археологическими исследованиями в областном центре в 70-80 гг. велись интенсивные работы и на городище Пайкенд. Этот расположенный в 60 км к юго-западу от Бухары интересный памятник представляет собой вытянутый по направлению к западо-востоку пятиугольник. Окруженное со всех сторон валом крепостных стен и к настоящему времени полуразрушенное песком оно состоит из кухандиза (цитадели) и двух шахристанов (собственно городских частей). За пределами крепостных стен располагались рабаты (постоялые дворы), развалины которых ныне сливаются с естественным рельефом местности.

В период раннего средневековья здесь находился некрополь города, о чем свидетельствуют многочисленные находки обломков оссуариев и остатки захоронений в крупных сосудах.

Группа узбекских археологов в составе А.Р. Мухамеджанова, Ш.Т. Адылова, Д.К. Мирзаахмедова, Г.Л. Семенова, в течение пяти лет (1981-1986 гг.) производившая раскопочные работы в Пайкенде, четко определив его облик, установила два основных фактора, проявляющих характер города в древности и средневековье: его погра-

<sup>13</sup> Мухамеджанов А.Р. Городу Бухаре – 2500 лет. // Бухара: страницы истории. Бухара, 1999. С. 18 (на узб. яз.).

2003

3-son

ничное положение сначала с сасанидским Ираном, затем с Хорасаном и степью, а также его положение на важнейшей торговой магистрали Евразии. Город возник как пограничная крепость на великом Шелковом пути. В раннем средневековье до завершения возведения Кампир-девол – стены, окружавшей, как указывалось выше, весь оазис, Пайкенд был важным оборонительным узлом в системе пограничных крепостей Бухарского Согда. При сравнении стен Пайкенда с одновременными укреплениями других городов Средней Азии, прежде всего лучше изученного Пенджикента, ученые отмечают большую надежность пайкендских стен. Недаром древние называли Пайкенд «медным городом» из-за прочности его стен. К этому следует добавить, что на протяжении своего существования он являлся торговым городом. Найденные здесь монеты Танского Китая, сасанидских наместников в бывших кушанских владениях, медные фельсы омейядов, аббасидов, саманидов и караханидов, золотой динар династии газнединов, выпущенный в Герате в 1030 г., и другие находки как бы косвенно подтверждают мнение средневекового историка Наршахи о том, что почти все население Пайкенда составляли купцы. Не случайно арабы называли его «Мадинату-тужжор» (Город купцов).

Как установили ученые, не только транзитная торговля служила основой экономики Пайкенда. Значительных размеров достигло здесь и ремесленное производство. На крепостных стенах XX в. археологи открыли керамическую мастерскую, обнаружили следы мастерских стеклодувов, остатки мастерской по изготовлению каменных шарниров, бронзолитейного и химического производства. Высокий экономический потенциал Пайкенда обусловил развитие в нем науки и культуры. На территории города исследователи открыли здание, в котором, возможно, помещалась древнейшая в Средней Азии аптека. В средневековых сочинениях сообщается об известных людях, главным образом законоведах, родом из Пайкенда. Найдено несколько остроконов с арабскими надписями, относящимися к концу VIII–началу XI в.

Картина археологического изучения Бухары была бы неполной, если не упомянуть о заслугах таких неутомимых ученых, как А. Аскаров, А.И. Тереножкин, В.О. Обельченко, С.Н. Юренев, В.А. Нильсен, Наймарк, М.М. Дьяконов, а также М.А. Крылов, Н.П. Кипарисова, С.К. Кабанов, Е.Г. Некрасова, Р.А. Абдиримов и др.

Археологическое изучение Бухары продолжается. Усилившийся за годы независимости Узбекистана (1991-2001 гг.) интерес ученых к древней, раннесредневековой истории Междуречья – Мавераннахра, ценность археологических наблюдений и исследований все больше возрастает.

Следовательно, богатая в археологическом отношении Бухара может предоставить уникальный научный материал для правильно-го решения проблем истории Узбекистана и Центральной Азии в целом.

Ф. Косимов

### БУХОРОНИ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

Мақолада Бухорони археологик ўрганиши жараёнининг бошланши, йўлга қўйилиши ва ривожланиши ёритилган. Турли ишларда амалга оширилган археологик экспедициялар, унинг иштирокчилари Н.Ф. Савитский, Л.А. Зимин, А.Д. Колмаков, А.Ю. Якубовский, В.А. Шишкін, Я.Гуломов, А.Муҳаммаджонов, А.Аскаров ва бошқаларнинг фаoliyatлари ҳамда бу илмий изланишлар натижаларининг Бухоро тарихини ўрганишдаги муҳим аҳамияти кўрсатиб берилган.

F. Kosimov

### FROM THE HISTORY OF ARCHEOLOGICAL RESEARCH OF BUKHARA

In the article is covered the history of organization, formation and development archeological research of Bukhara. It is analyzed activities of archeological expeditions and its participants: N.F. Savitskiy, Ya.A.Zimin, A.D.Kolmakov, A.Yu. Yakubovskiy, V.A. Shishkin, Ya.Gulyamov, A.Muhammedjanov, A.Askarov and others. Significant results of research expeditions in study of Bukhara are showed.

Б. Эшов

## «ШАҲАР» ТАРИХИЙ ТУШУНЧАСИННИ АНГЛАШ ВА УНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЁНДОШУВЛАР

Ўрта Осиё, умуман дунё тарихида рўй берган урбанистик (шаҳарсозлик) жараёнлар хусусида турли даврларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш ва қиёслаш бу жа раённи чўқур ва ҳар томонлама таърифлаш имконини беради. Зоро, илк шаҳарлар тарихини асл манбаларга таянган ҳолда, археологик ва ёзма маълумотлар асосида таҳлил этиш жамиятда рўй берган қадимги тарихий-маданий жараёнларни англаб етишда бекиёс аҳамият касб этади.

Жамият тараққиёти тарихининг турли даврларида шаҳар ҳал қилувчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Урбанистик жараёнлар тараққиётининг ўзига хос қонуниятларига аниқлик киритиш зарурати илк шаҳарлар тарихини ҳозирги кунда ҳар томонлама ўрганишни тақозо этмоқда. Бу ўринда турли йўналишдаги тадқиқотларни умумлаштириш (табиий-географик, иқтисодий, социологик, демографик ва бошқ.), айниқса муҳимдир. Шу билан биргаликда шаҳарлар тараққиёти ва уларнинг бошқаруви тартибидаги қонуниятларни англаб етиш ҳам масалани ижобий ҳал этилиши учун катта аҳамиятга эга.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, шаҳарлар кўп қирралли ижтимоий алоқаларнинг мураккаб тартибидир. Шаҳарларнинг ривожланиш жараёнида улар вазифаларининг айрим томонлари ўзгариб турган бўлишига қарамай, кўпгина жиҳатлари (аҳоли зич жойлашган ҳудуд, ҳунармандчilik ва савдо маркази, диний марказ) ўзгармасдан қолади.

Шу нарсага эътибор бериш лозимки, илк шаҳарларнинг ҳудудий жойлашуви, уларнинг даврий доирасини аниқлаш, «шаҳар» тушунчасини илмий-услубий изоҳлаш масалалари анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, тадқиқотчилар орасида баъзи тарихий-маданий жамоаларнинг тарихий ривожланишидаги маълум давр ва маданий тарихий жамоалар тарқалган ҳудуд, уларнинг ривожланиши ва ижтимоий тузуми масалаларига ҳамда айнан шу масалалардан келиб чиқиб, «шаҳар» тушунчасини ҳар томонлама изоҳлаш ва таъриф бериш борасида ягона фикр йўқ. Ёки ягона концепция ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат Ўрта Осиё ҳудудларидағи урбанизация жараёнлари-

нинг ривожланиш қонуниятлари билан боғлиқ бўлган муаммоларга аниқлик киритишни янада қийинлаштиради. Ундан ташқари, Ўрта Осиё ҳудудларида бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар бир хил хусусиятта эга бўлмасдан, ривожланиш нуқтаси назаридан цивилизациянинг турли босқичларида бўлганлиги билан фарқланади.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёда илк деҳқончилик маданияти, дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши омиллари ва асослари, уларнинг тараққиёт босқичлари, дастлабки цивилизациялар масалаларига бағишиланган кўплаб илмий тўпламлар ва айрим монографиялар пайдо бўлди<sup>1</sup>. Ушбу илмий тадқиқотларда М.М.Дъяконов, Б.А.Литвинский, Ю.А.Заднепорвский, В.М.Массон, Ю.Ф.Буряков, А.А.Асқаров, Э.В.Ртвеладзе, И.В.Пьянков, Р.Х.Сулаймонов, А.С.Сагдуллаев, Т.Ш.Ширинов каби тадқиқотчилар Ўрта Осиё ҳудудларида бронза давридан бошлаб антик давргача бўлган шаҳарсозлик маданияти масалаларини у ёки бу томонини кўриб чиқиб, Ўрта Осиё ва дунё цивилизацияларини қиёсий ўрганишга ҳарарат қилдилар.

Урбанизация жараёнини ўрганиш бўйича қатор илмий-амалий анжуманлар ўtkазилган бўлиб, улар Ўрта Осиё шаҳарлари ривожланишининг турли босқичларига бағишиланган: «Средневековый город Средней Азии и Казахстана» (Фрунзе, 1970), «Древний город Средней Азии» (Самарканд, 1973), «Раннегородская культура Средней Азии и Казахстана» (Панжикент, 1977). Ундан ташқари урбанизация масалалари халқаро симпозиум ва анжуманларда, хусусан, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда цивилизациянинг пайдо бўлиши масалаларига бағишиланган Совет-Америка (Самарқанд, 1983) симпозиуми, Бақтрия-

<sup>1</sup> Города и торговля Древнего Востока III тыс. до н.э. Ереван, 1969; Древняя Бактрия. Л., 1974; Бактрийские древности. Л., 1976; Древний Восток. Город и торговля (III-І тыс. до н.э.) Ереван, 1973; Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Ташкент, 1987; Древний Восток и мировая культура. М., 1981; Ранние земледельцы. Л., 1979; Сквозь века. М., 1986; История и археология Средней Азии. Ашхабад, 1978; Древнейшие культуры Бактрии: среда, развитие, связи. Душанбе, 1982; Древние города. Л., 1977; Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Самарқанд, 1995; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргiana. М.:Л., 1959; Ўша муаллиф. Первые цивилизации. Л., 1989; Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Ташкент: 1990; Аскаров А.А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973; Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977; Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы// МИА. 1962; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии Ташкент, 1987; Сайко Э.В. Становление города как производственного центра. Душанбе, 1973; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982.

Тоҳаристон ва Сўғднинг шаҳар маданияти масалалари кўриб чиқилган Совет-Француз (Самарқанд, 1986) симпозиуми, қадимги цивилизациялар ва кўчманичилар маданияти масалаларига бағишланган Совет-Француз (Олмаота, 1987) симпозиуми, Марказий Осиё цивилизацияси муаммоларига (Наманган, 1989) бағишланган симпозиум ва Марказий Осиё урбанизациясининг тараққиёт босқичларига бағишланган (Самарқанд, 1995) ҳадқаро анжуманда кўриб чиқилган.

Мустақиллик йилларида тарихга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, илк шаҳарсозлик масалаларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш бошланди. Ушбу йилларда бу мавзу бўйича маълум илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди ҳам. Аммо, бу ишлар айрим ҳудудлар билан боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда том маънодаги археологик хусусиятга эга<sup>2</sup>. Ҳозирги кунда нафақат қадимги шаҳарлар, тарихини ўрганиш балки замонавий шаҳарларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда<sup>3</sup>.

Жамиятда рўй берган урбанистик жараёнлар ва тараққиёт даражасининг асосий омиллари хусусида тадқиқот ишлари олиб борган кўпчилик тадқиқотчилар «илк шаҳар» ёки «шаҳар» тушунчасини бирбирига боғлиқ бўлмаган ҳолда турли даврларда турлича талқин қилишларига қарамай, кўп ҳолларда улар тадқиқотлари хulosаларининг бир-бирига анча яқинлигини кузатишимиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, кўпчилик олимлар Ўрта Осиёдаги урбанистик жараёнларнинг асослари энг қадимги даврларга бориб тақалишини таъкидлаган ҳолда, унинг бошланишини энеолит-бронза даври билан белгилайдилар ҳамда ўз хulosаларини далиллар билан исботлашган ҳаракат қиласидилар.

Аввало шунга эътибор бериш лозимки, тарихий-илмий ва социологик адабиётларда кўплаб учрайдиган «урбанизация» («шаҳарларшиш», «шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши» ёки «шаҳарсозлик маданияти») тушунчасининг моҳият ва мазмунини тад-

<sup>2</sup> Сулемайнов Р.Х. Древняя культура Южного Согда (VII в. до н.э.–VII в.н.э.) Автореф. дисс... докт. ист. наук. Самарканд, 1998; Ўша муаллиф. Древний Нахшаб. Ташкент, 2000; Лушпенко О.Н. Раннекелезный век южного Согда. Автореф. дисс... канд. ист. наук. Самарканд, 1998; Ширинов Т.Ш. Раннегородская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс... докт. ист. наук. М., 1993; Аскarov А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993; Исомиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда. Автореф. дисс... докт. ист. наук. Самарканд, 2000; Аскarov А. Энг қадимги шаҳар. Тошкент, 2001; Эшов Б. История и культура Согдаины VII–IV веков до нашей эры. Автореф. дисс... канд. ист. наук. Ташкент, 1999.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси// Ҳалқ сўзи. 2002 йил 7 май.

қиқотчилар турлича талқин этадилар ҳамда бу борада улар орасида аниқ фикрга келиниб, ягона концепция яратилмаган. Ушбу йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб борган мутахассисларни шартли ҳолда қўйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- европалик тадқиқотчилар. Улар ўз илмий қарашлари ва хулосала-рида урбанизациянинг жамият тараққиётида асосий ўринда туришини алоҳида таъкидлаган ҳолда, қишлоқлар ва шаҳар атрофларининг ҳам шаҳар қулаликларидан кенг фойдаланишини эътироф этадилар;
- собиқ иттифоқ даври тадқиқотчилари. Улар бу йўналишдаги тадқиқотларга турли ҳудудларда шаҳарларнинг пайдо бўлиши ҳамда шаҳарлар сонининг ортиб бориши ва демографик (аҳоли сонининг ўсиши) жараёнларни асосий мезон қилиб олганлар;
- ушбу гуруҳдаги тоифага кирувчи тадқиқотчилар ўз илмий ишларига миграция (маълум ҳудуд аҳолисининг шаҳарларга кўчиши ва орқага қайтиши) жараёнларини асос қилиб олишган.

Ибтидоий турмушдан жамият ривожланишининг нисбатан юқори поғонасига ўтишнинг умумий манзарасини тадқиқ этиш ҳозирги кунда услубий ёндошувни янада чуқурлаштириш ҳамда ушбу тадқиқотларда аниқ йўналиш ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам шаҳарларни урбанизация жараёнининг асосий мезони сифатида талқин этиш масаласи ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Методологик томондан шаҳарни янги шаклдаги жамият тоифасига кирувчи ҳодиса эмас, балки муҳим ва асосий омил деб ҳисоблаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бу жиҳатдан шаҳарларнинг пайдо бўлишини тузумдаги янги ижтимоий белгиларни юзага келиши ва шаклланадиган тузунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар – аҳоли бир ерда зич жойлашган жой, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари марказлашган ҳудуд, маданий ва мағкуравий имкониятлар маркази, ўзига хос ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ вазифаларини бажа-рувчи йирик пунктлар сифатида изоҳланади<sup>4</sup>.

Дастлабки шаҳарлар марказларининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш шаҳарлар тарихини ўрганиш учун ниҳоятда муҳимдир. Ижтимоий-иқтисодий таҳлил жараёнида фойдаланиладиган тушунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар – аҳоли бир ерда зич жойлашган жой, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари марказлашган ҳудуд, маданий ва мағкуравий имкониятлар маркази, ўзига хос ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ вазифаларини бажа-рувчи йирик пунктлар сифатида изоҳланади<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> Массон В.М. Городские центры раннеклассовых обществ// История и археология Средней Азии. Ашхабад, 1978. С. 20.

Турли тармоқлар марказлашган ҳудуд сифатида шаҳарларнинг аҳамияти аввало, зич қурилган иншоотлар ва маҳобатли меъморчиликнинг ривожланиши билан изоҳланадиган шаклий хусусиятларда ўз аксини топади. Чунки, маълум ҳудудни ёки манзилгоҳни (қишлоқни) шаҳар сифатида изоҳлашда ташқи миқдорий кўрсаткичлар билан бирга ички сифатий ва тузилишига оид ўзгаришлар ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, шаҳар эркин аҳолининг ижтимоий ташкилот шакли сифатида ўзининг ички ва ташқи ишларida мустақил ҳокимиятни у ёки бу даражада амалга оширадиган фуқаролар жамоасини ўзида акс эттиради. Ижтимоий уюшма сифатида шаҳар ҳокимият органларининг маълум тартибига эга бўлади. Шаҳар уюшмаси учун мустаҳкамланган марказ ва марказдан четда бўлиб унга бўйсунувчи фуқароларнинг турли иншоотлардан иборат турар - жойлари мавжудлиги ҳам хосдир. Шаҳар қўшни жамоалардан пайдо бўлади ва ривожланади<sup>5</sup>. Фикримизча, шаҳарларнинг қўшни жамоалардан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган хусусиятлардан ташқари давлатга хос бўлган хусусиятларни ҳам ўзида мујассамлаштиради.

Ўз хусусиятига кўра «шаҳар»ни таърифлаш турлича бўлиши мумкин. Шаҳарлар учун фақат бир нарса—улар бир-бирига туташ манзилгоҳларни, аҳоли яшаш ҳудудини, бир ёки бир нечта алоҳида жойлашган турар-жойларни ўзида акс эттириши умумийдир. Одатда, «шаҳар» дейилганда, бу атамадан бошқа яна бир миқдорий белги—шаҳар катта манзилгоҳ эканлиги ҳам назарда тутилади<sup>6</sup>. Бизнингча, ушбу атама ўз маъносига деярли мос тушади. Хусусан, Ўрга Осиё, умуман дунё тарихидаги энг қадимги шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишини қиёсий таҳлил эттанимизда ушбу фикрни тўғрилиги аён бўлади.

Социологик нуқтаи назардан «шаҳар» бир-бирига туташ уйлардан иборат аҳоли зич жойлашуви турар-жойлари сифатида изоҳланади. Бундай таърифдан сўнг катта қишлоқларни «шаҳарлар» деб ҳисоблаш билан кифояланиш ҳам мумкин. Аммо, фикримизча, ушбу

<sup>5</sup> Шифман И.Ш. Развитие городской организации в древнем переднеазиатском Среднеземноморье// Древние города. Материалы всесоюзной конференции. Пенджикент, 1977. С. 31-32.

<sup>6</sup> Вебер М. Избранное. Образ. общество. Гл. III. Город. М., 1994. С.310.

таърифнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлиги ва объективлиги умумий тарихий маданий шарт-шароитлар билан боғлиқдир.

Иқтисодий нуқтаи назардан шаҳарни аҳолининг катта қисми қишилоқ хўжалиги эмас, балки ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланувчи ҳудуд сифатида таърифлаш мумкин. Аммо, фикримизча, шунга ўхшаш барча ҳудудларни ҳам «шаҳарлар» деб аташ мақсадга мувофиқ эмас. Тарихий адабиётларда, одатда вилоят ва туманларнинг маданий, хўжалик ва маъмурий марказлари бўлган йирик манзилгоҳлар «шаҳарлар» сифатида талқин этилиб, улар ҳақиқатан ҳам том маънодаги ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан узвий боғлиқ бўлади<sup>7</sup>.

Ижтимоий-иқтисодий таҳлил пайтида ишлатиладиган тушунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар – аҳоли марказлашиб яшайдиган йирик ҳудудлар, ишлаб чиқариш ва маданий марказлар, мунтазам савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик вазифаларини бажарувчи ўзига хос марказлар сифатида кузатилади ва талқин этилади.

«Шаҳар» тушунчасини турли тадқиқотлар асосида таҳлил этиб талқин қиласи эканмиз, шунга алоҳида эътибор бериш лозим бўладики, бу тартибда асосий белги шаҳарнинг ўзи ҳисобланади. Ушбу йўналишида «шаҳар» тушунчасини ҳар томонлама изоҳлаш ниҳоятда муҳимдир. Демак, бу борадаги тадқиқотчилар қарашларини қиёслаймиз. И.М. Дъяконов «шаҳарни» атроф манзилгоҳлар унга туташ марказ, шунингдек, ихтисослашган ҳунармандчилик, маҳсулот ва бошқа турдаги алмашувлар ҳамда заҳиралар маркази деб ҳисоблайди<sup>8</sup>. В.М. Массон эса анчагина умумий ва кўпчиликка маълум ушбу изоҳга йирик марказ тушунчасини ҳам қўшиш лозим<sup>9</sup> деган фикрни билдиради. В.И. Ионесовнинг фикрича, «илк шаҳар» цивилизацияси пайдо бўлиши ва ривожланиши йўналишидаги ижтимоий-маданий жараёнлар, аввало бўлинниб кетиш ва алоҳида бирлашиш йўллари орқали такомиллашиб, ривожланиб боради<sup>10</sup>. Р.Х. Сулаймоновнинг фикрича, шаҳар – атроф қишлоқлардаги ҳаётни мувофиқлаштирувчи марказ сифатида пайдо бўлиб, тез орада ўзининг асосий

<sup>7</sup> Массон В.М. Страна тысячи городов. М., 1966. С.6.

<sup>8</sup> Дъяконов И.М. Проблема города в Вавилонии II тыс. до н.э. // Тез. докл. Всесоюзного симпозиума. Ереван, 1969. С.18-21.

<sup>9</sup> Массон В.М. Проблемы древнего города и археологические памятники Северной Бактрии// Древняя Бактрия. Л., 1974.

<sup>10</sup> Ионесов В.И. К проблеме культурно-исторического развития Среднего Востока в эпоху бронзы// Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд. 1992. 27-29 - бетлар.

иқтисодий вазифасини бажара бошлайди. Яъни, қишлоқда етишириладиган маҳсулотларни қайта ишлаб, тарқатиш натижасида ўзаро алмашинув ва савдо марказига айланади<sup>11</sup>.

Демак, тузилиш–вазифавий таҳлил нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар ягона бир бутун тизим сифатида изоҳланиши мумкинки, бунда асосий белгилар (режа, ўлчам, ишлаб чиқариш марказлари, меъморий иншоотлар, шаҳар маданияти ва бошқ.) бир-бирига муносабатлар нуқтаи назаридан ташки объектларни эмас, балки шу муносабатлар туфайли бутунлай янги сифат оладиган мазкур тузумнинг ўзаро боғлиқ қисмини ўзида акс эттиради.

Шаҳар тушунчасини англаш ва уни ишлаб чиқишидаги илмий-услубий ёндошувлар ҳақида гап кетар экан, айрим тадқиқотчилар мил. авв. III минг йиллик қадимги Шумер мисолида шаҳар-давлатлар шаклларини аниқловчи айрим белгиларни ажратганлар. Булар унчалик катта бўлмаган ҳудуд, бир ҳудудий жамоа ёки бир-бири билан узвий алоқада бўлган жамоа чегарасида жойлашув, табиий чегаралар: тоғлар, атроф воҳалар, даштлар, суғориш каналлари ўраб турган кенгликлар, бош худо ибодатхонаси ва унинг атрофида маъмурӣ хўжалик ҳамда ҳунармандлар устахоналари жойлашган марказлар, бу ҳудудни ўраб турган деворлардир. Фикримизча, ушбу концепция «илк шаҳар» тушунчасининг кўпгина жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради ва бу жараённи изоҳлаш учун кенг имкониятлар яратади.

Илк шаҳарлар турлари, тузилиши ва хусусиятлари билан шуғулланётган айрим тадқиқотчиларнинг сўнгти йиллардаги ишларида «квазишаҳар» («квазигород») тушунчasi пайдо бўлди<sup>12</sup>. Тадқиқотчиларнинг изоҳ беришича, «квазишаҳар» нинг шаҳармонанд («протогород») манзилгоҳдан фарқи шундаки, у автоном ва аграр хусусиятта эга бўлиб, атрофида қишлоқ манзилгоҳлари бўлмайди<sup>13</sup>. Бу тушунча фанда кенг тарқалган бўлмаса-да, айрим тадқиқотчилар унга ўз муносабатларини билдирганлар<sup>14</sup>.

«Шаҳар» тушунчасини изоҳлаётган пайтимизда изоҳланаётган шаҳар қайси даврга оид эканлиги ниҳоятда муҳимдир. Чунки, даст-

<sup>11</sup> Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Ташкент, 2000. С.17.

<sup>12</sup> Андреев Ю.В. Ранние формы урбанизации ВДИ, 1987, № 1. С. 3-19; Ўша муаллиф. Дворец и «город» на Крите во II тыс до н. э. СА.1988. №4. С.37-52.

<sup>13</sup> Андреев Ю.В. Ранние формы ... С.8.

<sup>14</sup> Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Ташкент, 2000. С. 15-16.

лабки шаҳарлар, антик ёки ўрта асрлар шаҳарлари тузилиши ва бажарган вазифаси нуқтаи назаридан бир хил бўлмаслиги мумкин. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги манзилгоҳларни ўрганишда гектарларда акс этадиган ҳудудий (ёки ўлчовга оид) ёндошув «шаҳар» тушунчасини ифодалаш учун унчалик ҳам ишончли эмас. Аммо, бу ёндошувни бутунлай инкор этиб ҳам бўлмайди. Бу ҳолатни, айниқса Ўрта Шарқ суформа дехқончилик маданияти манзилгоҳларини ўрганиш жараённида кузатиш мумкин.

Ўлчамлари нуқтаи назаридан «шаҳар» тушунчаси изоҳланадиган пайтда илк шаҳарнинг шартли чегара майдони 3-6 гектар бўлиши мумкин. Шундай ўлчамга эга бўлган манзилгоҳларнинг ички тузилишини ҳисобга олган ҳолда уларни шаҳарлар сафига киритиш мумкин<sup>15</sup>.

Тадқиқотчилар «шаҳар» тушунчасини шаҳарнинг вазифавий ҳолати нуқтаи назаридан ҳам ифодалайдилар. Бу борада тадқиқотчиларнинг бир-бирини инкор этувчи турли фикрлари мавжуд. Айрим хорижлик олимлар манзилгоҳларнинг босқичма-босқич ривожланишида сиёсий жиҳатдан устун мавқега эга бўлган ҳар қандай манзилгоҳни шаҳар деб эътироф этадилар<sup>16</sup>. Бошига бир гурӯҳ олимлар эса аҳолиси дехқончилик билан шуғулланмайдиган манзилгоҳларнинг барчасини шаҳарлар қаторига киритишни таклиф этадилар<sup>17</sup>. Яна бир гурӯҳ олимлар эса фақат сиёсий марказ вазифасини бажарган манзилгоҳларни шаҳарлар деб ҳисоблайдилар<sup>18</sup>.

Ўрта Осиёнинг ilk шаҳарлари даставвал, хўжалик ҳамда маълум дехқончилик воҳаларининг марказлари бўлиб, улардаги аҳоли географик шароитлардан келиб чиқиб, кўп ҳолларда атроф ҳудудларда дехқончилик билан шуғулланганлар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида очилган кўп сонли моддий маданият буюмлари шундан далолат берадики, бронза даври Ўрта Осиёнинг ilk шаҳарлари атроф қишлоқ хўжалик марказлари, маъмурий ва диний марказлар


<sup>15</sup> Ширинов Т.Ш. Теоретические проблемы урбанизации в Среднейазиатской археологии// Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичлари. Самарқанд. 1995. 114-116 - бетлар.

<sup>16</sup> Blanton R.E. Regional Evolution in the Valley of Daxasar. Yourn. of Field Archeology. Vol. 6. // 4

<sup>17</sup> Tos M. Prehistorik Sistan. Rome. 1993; Андреев Ю.В. Ранние формы урбанизации// ВДИ. 1987. № 1. С. 3-19.

<sup>18</sup> Markus I. Antropologu. 1976. 10.Vol. 5; Большаков О.Т., Якобсон В.А. Об определении понятия «город»// История и культура народов Востока (древность и средневековье) Л. 1983.

### «Илк шаҳар» тушунчасининг илмий изоҳланиши



## Шаҳарларнинг функцияси

**Ишлаб чиқариш маркази**

кулолчилик, металлга ишлов бериш, меҳнат ва жанговар қуроллар ишлаб чиқариш, заргарлик, тўқувчилик.

**Иқтисодий марказ**

қишлоқ маҳсулотларини қайта ишлаш, ички ва ташки бозор, ўзаро алмашинув ва савдо-сотик.

**Маъмурий ва ҳарбий марказ**

бошқарув тизимидағи барча ишларни ташкил этиш, ҳоким қароргоҳи, ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимотини назорат қилиш ва бошқариш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш, ташки ва ички алоқалар назорати, ижтимоий-иқтисодий бошқарув вазифаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши.

шаҳар ва туман жамоалари учун ҳарбий таянч маркази; панагоҳ, ташки ҳарбий босқинчилардан ҳимояланиш, ҳарбий қуролларни ишлаб чиқариш маркази; қуролланган қўшиниларни ташкил этиш, ҳарбий юришлар ва босқинларни уюштириш.

**Сиёсий марказ**

атроф воҳалар, вилоятлар маркази; шаҳар-давлат, турли йиғинлар маркази; автоном давлатлар маркази.

**Маданий марказ**

йирик ибодатхоналар, топиниш ва сифиниш жойлари, маданий ва диний анъаналарни бажариш ва бошқариш маркази.

ҳисобланган. Илк шаҳарларнинг вазифавий ҳолатида савдо-сотиқ, ҳарбий, сиёсий ва маданий жараёнлар ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Ўрта Осиёда урбанизация жараёнлари масалалари ҳали кўплаб тадқиқотлар талаб этишига қарамай, тадқиқотчиларнинг турли фикрларини умумлаштириб таҳлил этганимизда шу нарса аниқ бўладики, дастлабки, энг қадимги шаҳарларга ҳозирги «шаҳар» тушунчаси нуқтаи назаридан ёндошиш мақсадгага мувофиқ эмас. Чунки, пайдо бўлиш ва шаклланиш нуқтаи назаридан ҳамда асосий шаҳарсозлик белгилари ва вазифавий нуқтаи назаридан илк шаҳарлар ҳозирги, ҳаттоқи ўрта асрлар шаҳарларидан ҳам кескин фарқланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шаҳар одамларнинг нисбатан қадимги ва шу билан бирга энг замонавий ҳудудий жойлашув шакли бўлиб, унинг тақдири ва гуллаб-яшнаши билан унда яшовчи ҳар бир фуқаро қизиқиши табиийдир. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши, мавжудларининг ривожланиши атроф-муҳитнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб, бу жараён ижтимоий тузум тараққиёти ва хусусиятини ўзида акс эттиради. Шунингдек, ҳар бир тарихий давр шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Шаҳар – бу инсон томонидан табиий яратилган ҳаётий зарурат бўлиб, унинг турли томонлама фаолият кўрсатиши учун ўта муҳимдир. Жамият тараққиёти натижасида шаҳар шаклланади, ривожланади ва кенгайиб боради. Шаҳар меъморчилик ва қурилиш фаолиятининг нисбатан юқори ва мураккаб кўринишидир. Айнан шунинг учун ҳам шаҳарларнинг пайдо бўлиши меъморчилик иншоотларининг қад кўтариши билан бевосита боғлиқдир. Шаҳар – бу режали, мураккаб тузилишга эга ҳудуд бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш кучлари, маданий анъаналар, ихтисослашган ҳунармандчилик кабилар марказлашади. Шаҳарларнинг тараққий этиши кўплаб омиллар, аввало, аҳолининг ўсиши ва унинг меҳнат фаолияти ҳамда турмуш тарзи билан бевосита боғлиқдир.

Хуллас, Ўрта Осиё ҳудудларидағи урбанизация жараёнларини ўрганиш кўп меҳнат талаб қиласидиган масалалардан бири бўлиб, ҳозирги кунгача аниқланган ва ўзида шаҳарсозлик белгиларини акс эттирган барча археологик ёдгорликларни, ҳар бирини ҳар томонлама қиёсий таҳлил асосида, ҳудудий жойлашув ва хронологик жиҳатдан тартиблаштириб ўрганиш мақсадгага мувофиқдир.

Б. Эшов

## ПОНЯТИЕ ИСТОРИЧЕСКОГО ТЕРМИНА «ГОРОД» И НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ЕГО ИЗУЧЕНИЮ

*Статья посвящена проблеме раннегородской культуры Средней Азии. Изучая и анализируя многочисленные материалы, автору удалось определить понятие «город», рассмотреть научно-методические стороны этого понятия, а также влияние взаимоотношений народов Средней Азии в развитии ранних городов.*

B. Eshov

## THE CONCEPT OF HISTORICAL TERM «URBAN»

## **AND SCIENTIFIC-METHODOLOGICAL APPROACHES TO IT'S STUDY**

*Given article is devoted to the problems of earlyurbanic culture of the Central Asia. Learning and analysing materials on this problems author could define the concept of the word «URBAN» and considerate scientific – methodological sides of this concept and the influence of mutual Relations of peoples the Central Asia in the development of larlyurbans.*

**Этнология масалалари****3. Орифхонова****МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ҚАРИНДОШ ОИЛАЛАРИНИНГ  
ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ**

Ўзбек жамияти ижтимоий тузилишининг ўзига хослиги – ҳар бир алоҳида олинган шахснинг ҳаётида унинг атрофидаги яқин кишилари, қариндошлари, қўни-қўшнилари билан ўрнатилган муносабатларнинг самимийлиги билан боғлиқ. Бу муносабатларни мувофиқлаштириб туриш учун ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизими фаолият кўрсатади. Улар қаторида аҳолининг барча қатламларини қамраб олувчи оиласидан қариндошлик жамоавий-қўшничилик, шунингдек, аҳолининг алоҳида гуруҳларини бирлаштирувчи бир касбкордаги кишилар, турли миллатларга мансуб фуқаролар, диний тоифалар, бир хил ёшдагилар ва бошқалараро муносабатлар мавжуд. Ижтимоий муассасалар тармоқ хусусиятига эга бўлиб, жамиятнинг ягона ижтимоий тузилишига бирлаштирилган жамоанинг бу таркибий қисмлари кўпдан-кўп анъанавий тизимларни тақозо қилиши шубҳасиз. Уларнинг намоён бўлиши ва ўзаро муносабати (боғланиши) жамоа доирасидаги анъанавий тизимлар тартиби тўғрисида нисбатан ишончли тасаввур ҳосил қилишига имкон беради. Санаб ўтилган маҳалла ичидаги гуруҳларининг бирортаси ҳеч қачон (хусусан, ўрганилаётган тараққиёт босқичида) фақат ўзигагина хос бўлган «соғ» анъаналарнинг ифодачиси бўлмагани аниқ, лекин улар умумий тизимда маҳсус гуруҳлар - муҳим ва зарур «винтчалар» аҳамиятига лойиқ бўлган<sup>1</sup>. Бу гуруҳларни ўрганиш анъанавий жамоани бир бутун ҳолда чуқурроқ англаш имкониятини яратади.

Қариндошлик бу - гарчи қариндошлар ҳатто бир маҳалла доирасига киришмаса ҳам ўзаро боғлиқ ҳолда кўпаядиган сармоя ҳисобланади. Қариндошлик муносабатлари (алоқалари) бу – инсон ўз ҳаётининг турли даврларида фойдаланиши мумкин бўлган муҳим ҳаётий манбалардан биридир.

<sup>1</sup> Обсуждение статьи М.М. Громыко «Место сельской (территориальной соседской) общины в социальном механизме формирования, сохранения и изменения традиций». Выступление Т.А. Бернштама // Советская этнография. 1995. №4. С.65-66.

Фарбагидан фарқли ўлароқ, ўзбек жамияти оила ва оилавий-қариндошлиқ бирлашмасини юксак қадрият сифатида ардоқлаши билан алоҳида бирлашмаси қандайдир ташкилот сифатида намоён бўлиши шарт эмас, балки яқин қариндошлиқ тўғрисидаги тасаввурлар асосида шаклланган норасмий бирлашма сифатида мавжуд бўлади.

Ўтмишда бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам анъанавий ўзбек жамиятида оилавий-қариндошлиқ бирлашмалари мавжуд. Оилавий-қариндошлиқ бирлашмаси ота - боболарнинг умумийлиги ва яқин қариндошлиқ тўғрисидаги тасаввурларга асосланади. Оилавий-қариндошлиқ бирлашмаси ўзаро боғлиқ икки тизимдан иборат: 1. Оила; 2. Авлод (урӯғ). Қарийб ҳар бир оила оилавий-ҳомийлик алоқаларининг нисбатан кенгроқ тузилмасига киради.

В.И.Бушков оилавий-қариндошлиқ гуруҳларининг мавжудлиги ва улардаги ўзгаришларни кўрсатиб ўтади. У XX асрда улар ўзлари истиқомат қиласидан умумий ҳудуддан сезиларли даражада маҳрум бўлганликларини ёзади. Қадимдан бирга яшаб келган оилаларни бўлиб ташлаш натижасида ҳаммага жой етмаслиги туфайли оилаларнинг айрим гуруҳлари янги ерларга бориб ўрнашганлар<sup>2</sup>. Қирғиз этнографи А.Қочқинов ҳам қирғиз қишлоқларида (80-йиллар) оилалар ҳудудий бирлигининг бузилиши уларнинг аввалги барқарорлигига путур етказилишини таъкидлаган эди<sup>3</sup>. Лекин бу авлодлар узилкесил узилиб кетди дегани эмас - орадаги масофанинг узоқ-яқинлигига қарамай, қариндошлиқ гуруҳлар қариндошлиқ алоқаларини сақлаб қолишади. Улар ҳаётнинг кўпгина ҳодисаларига муштарак мафкура ва умумий тушунчалардаги ягона тузилма сифатида майдонга чиқади. Оилавий-қариндошлиқ гуруҳи ҳар бир аъзосининг ҳаёти кўпчиликнинг фикри ҳукмрон бўлган қариндошлиқ тузилмасининг иродаси ва қарорига кўп жиҳатдан боғлиқ. Анъанавий қариндошлиқ муносабатлари ўз шаклини бир қадар ўзгартирган ҳолда, ҳаётнинг янги шароитларига мослашади, лекин узилиб кетмайди. Кенг қариндошлиқ алоқалари мазкур алоқалардан гувоҳлик берувчи муайян воқеалардагина намоён бўлиши шарт эмас, у баъзан бу ҳақиқатни эътироф этиш сифатида ҳам мавжуд бўлади.

<sup>2</sup> Бушков В.И. Таджикистан: традиционное общество в постиндустриальном мире// Этнографическое обозрение. 1995. №4. С.89.

<sup>3</sup> Кочкунов А. Новое и традиционное в структуре киргизской сельской семьи. М., 1986. С. 159-160.

Ҳозирги даврдаги икки бўғинли оилалар кўпчиликни ташкил қилишига қарамай, анъаналар давомийлигининг уч бўғинли оила-ларга қараганда муваффақиятсизроқ кечиши жараёнида оиласий қариндошлиқ алоқаларининг роли айниқса ошади. Оиласарнинг бирлашуви ўзаро қон-қариндош бўлган ва бу мустаҳкам алоқаларни қўллаб-қувватловчи оиласий гуруҳларнинг пайдо бўлиши билан биргаликда кечади.

Тошкент маҳаллаларида истиқомат қиласидиган оиласарнинг аксарияти ўзаро алоқаларнинг шундай тизимиға кирган. Илгари бу ҳудудда уларнинг ота-оналари яшаган, бугунги кунда ажralиб чиққан ки-чик оиласар олдин катта хонадонга мансуб бўлишган. Ота-оналарнинг ўлимидан сўнг ака-укаларнинг оиласари ўргадаги қариндошлиқ доирасидаги ўзаро мустаҳкам алоқаларни сақлашади. Бугунги кунда кўпгина ҳолларда маҳаллаларда авлодларнинг учинчи бўғини вакиллари истиқомат қилишади. Қариндошлиқ алоҳида ажralиб чиққан ака-укалар, кўпинча эса амаки-жиянлар ва амакиваччаларнинг оиласари мисолида намоён бўлади. Одатда, ҳар бир оиласа қариндошлиқ алоқаларини давом эттириш зарур бўлган кишилар доираси тўғрисидаги тушунча сақланади ва авлоддан авлодга етка-зилади. Ҳозирги даврда оиласий қариндошлиқ бирлашмалари-ав-лодлар орасида муайян узилишлар вужудга келмоқда, чунки шаҳарнинг обод қисмидан уй-жой олиш имконияти пайдо бўлиши билан бирга баъзи бир қариндош оиласар бошқа туманларга кўчиб ўтмоқ-да. Тошкент эски шаҳар қисмининг қайтадан таъмирланиши маҳал-лалардаги оиласарнинг бир қисмининг шаҳар атрофидаги туманларга бориб ўрнашишига сабаб бўлди.

Ҳозирги даврда қариндошлиқ гуруҳларининг бирлиги кўпроқ оиласий тантаналарни амалга ошириш жараёнида намоён бўлади. Бундай тантаналарга ташриф буюриш ва фаол иштирок этиш ёки моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қавм-қариндошлар учун қонун ҳисобланади. Тўй тантаналари вақтида уруг-аймоқлар ягона бирлик-ка айланишади. Мураккаб тўй жараёнининг барча тадбирлари қарин-дошлар кўмагида ўтказилади.

Бажариладиган юмушлар, у ёки бу тадбир учун жавобгарлик ол-диндан эркаклар ва аёллар ўртасида тақсимланади. Ҳар ким совфа ёки дастурхонга тортиладиган пишириқлар тарзида тўй харажатла-рининг маълум бир қисмини ўз устига олишга ҳаракат қиласиди. Совфа-лар турлича бўлиши мумкин, яъни «тўёна» (пул), гилам, қўй, газла-ма бўлаклари.

Авлоднинг бугунги кунда кўпинча маълумотли ва ҳаётий тажрибага эга ёши улуғ кишиларининг раҳбарлик роли сақланиб қолган. Маросимларни қандай ўтказиш, барча анъаналарга риоя қилиш ва уларни янгилари билан омухта этиш ҳамда оиласи қўйди-чиқдиларни олдини олиш, урушган томонларни яраштириб қўйиш ва бошқа мураккаб оиласи миаммоларни (ишга жойлаш, ўқишига киритиш, хулқи ёмон болалар тарбиясига кўмаклашиш) ҳал қилишида авлод етакчиси ва унинг табаррук кексаларининг роли катта.

Барча маҳаллаларда биз оиласи қариндошлиқ гуруҳлари билан учрашдик. Улардаги қариндошлиқ даражаси кўпинча анча узоқ. Лекин, баъзида бир маҳаллада икки-уч ака-укалар оиласи яшайдиган ҳоллар ҳам учрайди. Катта ҳовуз маҳалласидаги ахборотчи Турғун aka Тоҳиров (маҳалла қўмитаси котиби)нинг ҳикоя қилишича, 30-йиллар ўртасигача ушбу маҳалла ҳудуди каттакон боғдан иборат бўлиб, бу ерда унинг она томондан бобосининг катта ери бўлган. 1935 йилдан бу ерда ҳовли-жойлар қурила бошлаган. Унинг тўрт тоғаси ҳам уй қуришган; онаси ҳам оиласи билан шу ёққа кўчиб чиқкан. Ер қариндошлар ўртасида бўлинган. Ҳозир бу ерда ўзининг ва жиянларининг оиласи яшайди; янги оиласар пайдо бўлиши билан ерлар яна бўлинади. Улардан баъзи бирлари бошқа жойларга кўчиб кетишига мажбур бўлишган. Ҳовли-жойлар кичрайиб, тиқилиб қолишганига қарамай, қавм-қариндошлар тинч-тотув яшайди, ҳамма нарсада бир-бирларига ёрдам қилишади, оғир кунларда қўллаб-қувватлашади. Турли маросимлар вақтида уларни ўтказиш учун бирлашишади. Асосан, аёллар ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли баъзи бир оиласар ўртасида жанжаллар ҳам чиқиб туради. Т. Тоҳиров буни аёллар табиатига хос бўлган ҳаётнинг майда-чуйдаларига катта аҳамият бериши натижаси, деб ҳисоблайди<sup>4</sup>.

Қариндошлиқ муносабатларининг мустаҳкамлиги бир қатор омиллар билан белгиланади. Бу ўринда тарбия ва ахлоқий негизларининг анъанавийлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Одатда, нуфузли раҳнамо бош-қош бўлганда, оиласи қариндошлиқ жамоаси иноқ яшайди. Бундай мақомга кўпинча қариндошлар ичидан энг ёши улуғи (ота ёки ака) муносиб қўрилади. Лекин баъзида оиласи қариндошлиқ гуруҳи бошида аёл киши туради. Чунончи, Сузук ота маҳалласида ўн бир фарзанднинг онаси Зебо опа Тўлаганова шундай

<sup>4</sup> Муаллифнинг Катта ҳовуз маҳалласидаги ёзувларидан. 2001 йил.

етакчи ҳисобланади. Унинг оиласи қариндошликтай тўпи 11 фарзанди ва 60 га яқин невараларининг оиласидан ташкил топган. Эри вафот этгандан сўнг у бутун авлоднинг каттасига айланган. Бу доирада бирор жанжал, низо келишмовчилик юз берса, опага мурожаат қилишади. У жанжаллашаёттан томонларни қандай келишиши, у ёки бу муаммоларни ҳал қилишни билади. Ўз ҳаётий тажрибаси ва билимидан келиб чиқиб, у қариндошлар ўргасидаги келишмовчилкларни бартараф этади. Зебо опанинг ҳузурига келин ва куёв танлаш, тўйга тайёргарлик кўриш ва бошқа кўп масалаларда маслаҳат сўраб келишади. Ҳаётнинг тинч-тотувлиги катталарга кўп жиҳатдан боғлиқ, чунки улар ҳаётий муаммоларни ва уларни қандай ҳал қилиш кераклигини яхши биладилар, дейди опанинг ўзи. «Ёшларнинг тажрибаси кам, уларга ёрдам бериш, у ёки бу ҳолатларда қандай йўл тутиш лозимлигини кўрсатиш керак»<sup>5</sup>.

Эрининг оиласи қариндошликтай тўпи аъзолари билан ҳам шундай мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган. Унинг эри вафот этган ва қўшни маҳаллада яшайдиган бир овсини бор. Зебо опа ва овсини бир-бириникига меҳмондорчиликка келишади, барча оиласи тадбирларда иштирок этишади. Бундан ташқари, унинг болалари ва неваралари бир-биirlарини йўқлаб туришади.

Авлоднинг энг ёши улуфи оламдан ўтганда унинг ўрнини бошқаси эгаллайди. Баъзida бундай кишининг йўқлиги туфайли қариндошликтай гуруҳининг раҳбари хусусида Турғун aka Тоҳиров шундай дейди: «Ҳозирча биз аҳил яшаймиз, чунки жанжалли масалаларни оқилона ечадиган ёши улуғларимиз бор. Лекин, кейинчалик ёшлар бу ўзаро алоқаларни сақлай олишадими йўқми маълум эмас»<sup>6</sup>. Оиласи қариндошликтай гуруҳлари негизининг мустаҳкамлигига ёши улуғлар (етакчилар)нинг ижобий роль ўйнашини бошқа ахборотчиilar ҳам алоҳида таъкидлашиди.

Шаҳардаги ўзбек оиласида хонадонларнинг бўлининиши ва кичик оиласи қариндошликтай кўпайишига қарамай, қариндошлар ўргасидаги асрлар мобайнида қарор топган алоқалар сақланиб қолмоқда ва ривожланмоқда. Улар миллий типдаги оиласароро алоқаларнинг асосини ташкил этади. Тошкент шаҳридаги 4 та маҳаллада биз сўров ўтказган ўзбек оиласининг 30 фоизи 20 қариндоши, 24 фоизи –30, 24 фоизи 40 қариндош оиласар билан қариндошликтай алоқасида экан. Фақат 16 фоиз оила 10 нафар қарин-

<sup>5</sup> Муаллифнинг Сузук ота маҳалласидаги ёзувларидан. 2001 йил.

<sup>6</sup> Муаллифнинг Катта ҳовуз маҳалласидаги ёзувларидан. 2001 йил.

доши ва уларнинг оиласлари билан борди-келди қилиши маълум бўлди. 8 фоиз оиласлар эса жавоб беришга қийналишди.

Шу билан бирга, сўровлар қариндошлиқ алоқалари, ҳатто қариндошлар бир-бирларидан узоқ масофаларда яшасалар-да, оила учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Аксарият (80 фоиз) сўралгандар бундай алоқалар оила учун ниҳоятда муҳимлиги, чунки қариндошлар оғир дамларда бир-бирини қўллаб-қувватлаши, оиласлар мосимларда фаол иштирок этишини таъкидлашди. Сўралгандарнинг фақат 3 фоизигина қариндошлиқ алоқалари улар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини қайд қилишди.

Ахборотчиларнинг айтишича, ўтмишда қариндошлиқ доираси анча кенг, алоқалар нисбатан мустаҳкам бўлган. Сўровга жалб қилинган маҳаллалар аҳолисининг 22 фоизи илгари қариндош оиласларнинг ўзаро борди-келдилари бирмунча фаол ва тез-тез бўлиб, ҳозирда эса улар бир қадар заифлашиб қолганидан афсусланишларини изҳор этишиди. Бу алоқалардаги миқдорий ўзгаришлар аҳолининг ишлаб чиқаришда, ижтимоий ҳаётда тобора кўпроқ иштирокини тақозо қилаётган жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан изоҳланади. Одатда, қариндошлиқ алоқаларида алоҳида фаоллик кўрсатадиган аёлларнинг катта қисми ҳозирги даврда ишлаб чиқаришга жалб қилинган ва бунинг учун ҳамиша ҳам етарли вақт тополмайди. Кўпинча пенсионерлар ҳам ишлаб чиқаришда банд. Бунинг устига, XX асрда аҳолининг турмуш тарзи сезиларли даражада ўзгарди, бўш вақтни режалашиб, уни ўтказиш (бўш вақтнинг янги шакллари – китоблар, телевидение, кино) тартиби ўзгарди – бу ҳам қариндошлиқ алоқалари учун оила ҳаётида жуда оз вақт қолдиди.

Қариндошлиқ алоқаларининг мазмуни уларнинг мустаҳкамлиги қариндошликтининг қанчалик яқинлиги, одамларнинг ёши, ҳудудий яқинлик, кишиларнинг ижтимоий аҳволи бошқаларга боғлиқ.

Алоқаларнинг мустаҳкамлиги эса улар томонидан турли даражадаги аҳамиятга молик вазифаларнинг бажарилиши, уларнинг такрорланиш тезлиги ва шакли, мулоқотларга боғлиқ. Бизнинг аниқ этнографик материалларимиз оиласлар-қариндошлиқ гуруҳларининг ўзаро муносабатлари моддий, маросим ва маънавий-ахлоқий соҳаларда сақланиб қолаётганлигидан гувоҳлик беради.

Барча қариндошлиқ алоқалари ичida ота-оналар ва ажralиб чиққан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар нисбатан фаол ҳисобланади. Ёш оиласларнинг рўзғорини бўлак қилиш икки томонлама келишув асосида амалга оширилади ва дастлабки вақтларда янги оила

хуқуқларидан нисбатан узоқ фойдаланиш ҳамда қариндошлиқ оиласи аъзоларининг алоҳида мажбуриятларини бажаришда давом этади. Байрамлар ва болаларнинг оилавий тантаналари ота-она хонадонида нишонланаверади. Мисол учун, Жарариқ маҳалласида яшайдиган Азиззода Раҳимжоновнинг 4 қизи ва ўғли бор. Унинг хотини 1968 йилдаёт ўлиб кетган. У ўғлининг оиласи билан яшайди. Бошқа фарзандлари ҳар ҳафта унинг ҳолидан хабар олиб туришади. Ахборотчи Зебо опа Тўлаганованинг ҳикоя қилишича, у 11 фарзандни тарбиялаб вояга етказган, яна икки татар опа-сингилнинг икки қизини асраб олган. Бугунги кунда унинг 62 невара ва 112 эвараси бор. Улар тез-тез опани кўргани келишади. Ҳайитда у уч кун эрталабдан кечгача қариндошлари ва қўшиларини кутади. У билан бирга бу маҳаллада икки ўғли ва икки невараси оиласи билан яшайди.

Бу оилавий-қариндошлиқ гуруҳи ўзининг мустаҳкамлиги билан алоҳида ажралиб туради, унинг аъзолари тўй тантаналарида, кундаклик ҳаётда бир-бирларига ёрдам берадилар. Асраб олган қизлари ҳам бу оилавий-қариндошлиқ гуруҳининг ҳаётида фаол иштирок этадилар. Зебо опа ўз синглиси ва овсини билан қариндошлиқ алоқалари ни қаттиқ тутади.

Бошлангич босқичда алоҳида рўзгор қилиб чиққан фарзандларга моддий, хўжалик ва оилавий-қариндошлиқ ёрдами ота-она томонидан мунтазам амалга оширилади. Ёш оиланинг иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олиши, томир ёзиб, рўзгорини йўлга қўйиши билан бу ёрдам секин-аста ўз йўналишини ўзгартиради. Муайян иқтисодий мустақилликни сақлаган ҳолда яқин қариндош оилалар кўпинча мева-сабзавотларни сақлаш учун жой тайёрлаш, уй, машина, гараж сотиб олиш, таъмиrlаш каби хўжалик муаммоларини ҳал қилишда ўз кучларини бирлаштирадилар. Улар болаларни тарбиялашда бир-бирларига кўмаклашадилар. Одатда, йиғишириб олинган ҳосил қариндошлар ўргасида тақсимланади, ҳар ким ундан ўз улушкини олади.

Ота-она хонадони ҳамиша алоҳида рўзғор қилиб чиққан фарзандлар йиғиладиган марказ ҳисобланади у оилавий-қариндошлиқ доирасини боғловчи ҳалқа ёки унинг маркази вазифасини бажаради. Сағбон маҳалласида яшовчи ахборотчимиз Нажим ака Салимовнинг айтишича, болалари уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришади. Ўртанчи ўғли ишдан кейин бола-чақасини олиб келади. Улар ота-оналари билан баҳам кўриш учун овқатларини (палов, димлама, дўлма) қозони билан кўтариб келишади. Улар фарзандлари ва невараларининг туғилган кунларини бутун

оила жам бўлиб нишонлашади. Дастурхон безатишади, хурсандчилик қилишади, видео тасмасига ёзиб олишади. Бундан ташқари, бу катта хонадоннинг аёллари ҳозирги кунда турли маҳалларда истиқомат қилишларига қарамай, навбати билан бир-бирлариникида йиғилишади. Бу йиғилишга қайнона бош-қош бўлади. Бундай алоқалар оиласий-қариндошлик муносабатларини мустаҳкамлайди. Аҳиллиги, болаларининг яхши тарбия кўрганлиги учун Сағбон маҳалласида бу хонадонни алоҳида ҳурмат қилишади. Одатда, бундай оиласалар атрофида бошқа қўшни оиласалар ҳам жисплашади. Ҳозирги кунда бу оиласий-қариндошлик доирасига яна икки қўшни оила кирган - Салимовлар уларга ўзларининг қизларини узатишган. Салимовлар хонадони маҳаллада алоҳида ҳурматга сазовор, қўшилар турли ҳаётий масалалар юзасидан уларга маслаҳат сўраб мурожаат қилишади, чунки улар маҳаллада намунали оила. Нажим аканинг эътироф этишича, бир умр ҳалол меҳнат қилгани, ҳеч кимга ҳеч қачон ҳасад қилмагани, бирорвнинг мол-жонига қасд этмагани, мусулмонга хос пок ҳаёт ўйлани босиб ўтгани учун ҳам у шундай мустаҳкам оила тузишга муваффақ бўлган<sup>7</sup>.

Оиласий-қариндошлик ёрдами ва мадади қариндошлардан тортиб, тўғридан-тўғри ва қариндошлараро никоҳлар орқали боғланган яқинларнинг анча кенг доирасини қамраб олади. Оиласий-қариндошлик алоқаси доирасига амма-хола, амаки-тоға, уларнинг эр ва хотинлари, аммавачча ва тоғаваччалар ҳам киради. Улар орасидаги қариндошлик алоқалари маълум бир ишда эмас, балки бир-бириларига кўрсатадиган ёрдамларида ҳам яққол кўзга ташланади.

Анча олдин бўлак рўзгор қилиб чиқиб кетган ва ўзини бир қадар тиклаб оиласалар кўпгина ҳолларда ота-оналарига ёрдам қилалилар. Бу босқичда ўзидан катталарга ёрдам қилиш вазифаси олдинги ўринга чиқади. Баъзизда қариб қолган ота-оналарни бир неча муддатга уйларига олиб кетишади, зарурат туғилганда уларнинг уйларини таъмиrlаб беришади, моддий ёрдам кўрсатишади, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашади. Болаларнинг кўз ўнгига амалга ошириладиган ёрдам уларнинг ҳаммасини кўришлари ва мазкур анъянани келгусида давом эттиришларини назарда тутади.

Оиласадаги ёши катталар ёш оиласий-қариндошлик муҳитини ўзига тортадиган марказ ҳисобланади. Катталар орқали оила ўтмиш

<sup>7</sup> Муаллифнинг Сағбон маҳалласидаги ёзувларидан. 2001 йил.

билин, олдинги авлод билан боғланади. Анъаналар давомийлиги айни шу алоқаларга асосланади. Катталараппинг орадан кетиши билан бу алоқалар гўё заифлашадигандай туюлади, лекин кўпинча улар катта акалар атрофига жисплашадилар. Алоқаларнинг заифлашиши қариндошларга бошқа ёқларга кўчиб кетиши ёки улар орасида ижтимоий жиҳатдан тафовутлар пайдо бўлганда заифлашади.

Оилаларро қариндошлик муносабатларида қадимдан қолган оила меъёрлари таъсири кўзга ташланади.

Ҳозир бу алоқаларда оналик мақомидаги аёллар ва уй бекаларининг нуфузи ошган. Оилаларнинг она томонидан бўлган қариндошлар билан алоқалари кучайган.

Оилаларнинг ўзаро алоқалари, айниқса турли анъанавий маросимлар тўйлар, Наврўз байрами, ҳайит ва бошқаларни ўтказишда яққол намоён бўлади. Кейинги ўн йилликларда оила ҳаётида янгича тантаналар кириб келди, бу хусусан ёшларнинг туғилган кунлари ва юбилейлар бўлиб, кўпгина ўзбек оилаларида деярли муайян мунтазамликда ўтказиб турилади.

Одатда, маросим тантаналар ўзаро совфа алмасиши таомили билан биргаликда кечади. У иқтисодий аҳамиятта эга (ўзаро қарз бериш), айни пайтда, инсоний муносабатлар ифодаси ҳисобланади. Соғанинг қиммати совфа қилувчининг давлатмандлик даражаси, унинг совфа олувчига муносабати ва яқинлигидан гувоҳлик беради ва пировард натижада маросимнинг барча иштирокчиларини ўзаро мажбуриятлар риштаси билан боғлади. Маросимлар ичida бешик тўйида совфа ўрнига совфа қайтарилади: чақалоқча совфа келтирган кишига ва унинг оиласига газлама бўлаги берилади. Лекин бошқа ҳолларда (тўй, туғилган кун ва бошқалар) совفالар хотирада сақланади ёки тантана эгалари томонидан маҳсус дафтарга қайд қилинади ва улар шундай тадбирга таклиф қилинган тақдирда олганидан кам бўлмаган миқдорда совфа этиши керак бўлади.

Оилавий-қариндошлик доирасида қудалар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг ўзаро муносабатлари урф-одатлар билан белгилаб қўйилган. Улар «Қудачилик - минг йилчилик» деган халқ ҳикматига асосланади, яъни аввалдан маълумки, улар узоқ муддатта мўлжалланган яқин муносабатларни кўзда тутади. Қудалар билан муносабат ниҳоятда нозик масала, у ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ва оиланинг турмушини бузмаслик учун икки томоннинг ота-оналари ҳам ўз алоқаларини яхшилик асосига қуришга ҳаракат қиласидилар. Қудаларни барча тантанали маросимларда давранинг тўрига ўтқазадилар, тўйда со-

вғалар улашиш ва зиёфат қилишда меҳмонлар учун тайёрланган энг яхши нарсаларни уларга беришга интиладилар. Бу билан қариндошлик ришталари янада мустаҳкамланади ва қариндошлик алоқаларининг аҳамияти ошади. Бошқа ҳолларда ҳам келин ёки куёв томонга мансуб кишиларга алоҳида эътибор берилади. Шу тариқа, ўзбеклар қудаларига ҳамиша ўз ҳурмат-эҳтиромларини намоён қиласидар.

Қариндош гуруҳ яқин қариндошларидан бирига қизини узатиш орқали алоқаларни янада мустаҳкамлашидан иборат ҳодисалар ҳам учраб туради. Ўз уруғига синалган кишиларни олиш керак, деб ҳисоблайдиган ўзбеклар бундай никоҳларни нафақат ўтмишда қўллаб-куватлаганлар, балки ҳозир ҳам уларга ижобий қарайдилар. Албатта, бундай яқинлик баъзида ёшларнинг ажralиб кетиши натижасида оиласиб-қариндошлик алоқаларининг заифлашиши ёки бутунлай тўхтаб қолишига ҳам сабаб бўлади.

Тошкент ўзбекларида тўй маросимининг сўнгти босқичларидан бири «Куда чақириқ» ҳисобланади. «Куда чақириқ»да иштирок этган келин ва куёвнинг яқин қариндошлари кейин ёш келин куёвни меҳмонга чақиришлари (чаллаш) ва уларни совғалар билан сийлашлари керак бўлади. Шу тариқа биринчи танишув ва авлоднинг оиласиб-қариндошлик доирасига кириш маросими адо этилади. Бу барча удумлар икки оила ўртасидаги қариндошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, уларни яқинлаштириш, янги оиласи оиласиб-қариндошлик гуруҳига жалб этишга хизмат қиласиди.

Маҳалла ёки ундан ташқаридан яшайдиган қариндош оиласидаги мустаҳкам алоқаларни давом эттириш анъанаси ўзбеклар орасида ҳам узоқ яшаб қолиши шубҳасиз. Буни биринчи навбатда, қариндошлар катта доирасининг иштирокини талаб қиласидиган маросим тантаналарининг кўплиги тақозо этади. Лекин, туғилишининг камайиши тамойили ва кўпайиш дастурларидаги янгиликлар Тошкентдаги ўзбек оиласидаридан болалар сонининг 2-4 тагача камайишига олиб келади. Бу ҳол оиласиб-қариндошлик гуруҳларининг келажакда ҳозиргидай катта бўлмаётганлигидан далолат беради. Эҳтимол, шунга мувофиқ равишда уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам бирмунча ўзгаришга учраса керак.

Қариндошлик жамоалари маҳаллада ўзаро ёрдам ва дўстона қўшничиликнинг энг яхши анъаналарини давом эттирувчилар ҳисобланишади. Улар жамиятнинг қуий бўғинларидан бирини ўзларидан мужассам этишади, ҳаётни таъмин этишнинг яхлит тузилмасини яратишга интилиб, унда бир аъзо иккинчисини тўлдиради. Бундай

2003

3-son

оилавий гуруҳларнинг кўпчилигига зарур пайтда ёрдамга келиб, соғлиқ масаласини ҳал қилишни енгиллаштирадиган ўз шифокори ёки ҳамширалари, болаларни халқ таълими муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашадиган ўқитувчи ёки болалар боғчаларининг тарбиячилари, камёб маҳсулотлар билан таъминлайдиган савдо ходимлари бўлади. Катта оилавий жамоалар оила доирасидаги бошқа кўплаб ҳаётий муаммоларни ҳал қилишни ҳам енгиллаштирадилар. Бундай оилаларда анъанавий турмуш тарзининг кўплаб белгилари яхши сақланади.

Катта оилавий-қариндошлик жамоасининг иноқлиги ҳаёт қийинчиликларини осон енгиги ўтиш, оилавий удумларнинг барчасига риоя қилишга имкон яратади. Уларнинг турмуш тарзи маҳалладаги шундай алоқаларга эга бўлмаган бошқа оилалар учун намуна ҳисобланади. Одатда, бундай оилалар кўпинча ёлғиз қўшниларига ёрдам кўрсатадилар.

Бундай оила гуруҳларининг ҳар бири ўз етакчисига эга бўлади. Катта ҳаётий тажриба тўплаган, турмушнинг паст-баландини биладиган ҳамда у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутиш зарурлиги тўғрисида маслаҳат бера оладиган энг ёши улуғлар ёки ўз меҳнати туфайли қариндошлари ўртасида обрў-эътиборга эришган кишилар етакчиликка муносиб кўрилади. Зарурат туғилганда, улар қариндошлари орасидаги ёрдамга муҳтоjlар, етимлар, бевалар, ногиронлар, касалларни ўз ҳимоясига олади. Ёшлар ўқиш ва ишга жойлашиш, турли ҳаётий мураккаб вазиятларда маслаҳат ва ёрдам сўраб, уларга мурожаат қилишади. Бундай оилавий гуруҳларда етакчилик ва васийлик қилиш ўзбек жамиятидаги қадимдан мавжуд анъана бўлиб, у «оталик қилиш» деб аталади. Ахборотчилар уйланган aka-укалардан бири ҳаётдан кўз юмганда қолган aka-укалар, баъзида эса улар орасида топармон-тутармон бўлган биттаси марҳумнинг оиласига васийлик қилганликлари, отанинг ўринини билдиrmай, моддий ёрдам кўрсатгандилари, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганликларини ҳикоя қилиб беришди.

Яқин оилавий-қариндошлик алоқалари билан бир қаторда, ҳозирги кунда ишлаб чиқариш алоқалари ҳам кенг ривожлана бошлади. У ўзининг ниҳоятда серқирралиги билан ажralиб туради ҳамда моддий хўжалик ва маънавий соҳада намоён бўлади. Ишлаб чиқариш жамоасининг дўстона муносабатлари ишлаб чиқариш соҳасидан оилавий ҳаёт доирасига кўчади. Улар касб машғулотларини мерос

2003

3-son

қилиб олиш орқали бу муносабатларни янада мустаҳкамлайди ва кенгайтиради. Бундай алоқалар оиласга ишлаб чиқариш жамоасига ижобий таъсир кўрсатади. Бундай алоқалар меҳнат жамоасини оиласвий тантаналар - тўйлар, байрамлар, юбилейлар, уй тўйларига таклиф этишида ўз ифодасини топади. Шу билан бирга, жамоат ташкилотлари ишлаб чиқаришда муассасаларда ўтказиладиган юбилейлар, диплом ва диссертация ҳимоялари, фахрий унвонлар, мукофотлар топшириш тантаналарида оила аъзоларини таклиф қиласидилар. Баҳор мавсумида биргаликда шаҳардан ташқарига чиқиш, шунингдек, республика шаҳарлари бўйлаб саёҳатларга бориш ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги даврда ишлаб чиқариш жамоаси аъзоларини байрам кунларида навбат билан байрам тантаналари ва дам олишга чақириш ҳам анъанага айланиб бормоқда. Баъзи жойларда бир жамоа аъзолари навбати билан бир-бирларининг ўйларида ўтиришлар ташкил қиласиди. Бу гапнинг ўз кўринишини ўзгартирган шакли ҳисобланади.

Буларнинг барчаси **куйидаги** хulosага келиш имконини беради: ўзбек оиласарининг қариндошлик алоқалари ҳозирги даврда ҳам уларнинг ҳаётида **аввалгидай** муҳим роль ўйнайди. Аҳоли буни тушунган ҳолда қабул қиласиди ва ҳар бир оила ҳудудий узоқликка қарамай, ўз қариндошлари билан алоқаларини сақлаб қолиш ва янада кенгайтиришга интилади. Қариндош-уругларнинг кўплиги ўзбеклар учун ҳамиша обрў-эътибор саналиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Бу атрофдагиларнинг уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиромини оширади.

### *З. Арифханова*

#### *ВЗАИМООТНОШЕНИЯ РОДСТВЕННЫХ СЕМЕЙ В СИСТЕМЕ МАХАЛЛЯ*

*В статье отмечено, что в отличие от западного, узбекское общество сегодня характеризует высокая ценностная ориентация на семью и семьяно-родственные сообщества, рассмотрены специфика их функционирования на современном этапе, традиционные и новые черты.*

*Z. Arifhanova*

#### *RELATIONSHIP OF RELATED FAMILIES IN MAHALLYA SYSTEM*

*The article shows that in contrast to the western society the Uzbek community is characterized by a high value orientation of the family and clan-and-kinship community, and analyzes particularity of their functioning on the modern stage, traditional and new characteristics.*

*Юбилей***ҲАМИД ЗИЁЕВ 80 ёшда**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев Ўзбекистон Фанлар академиясининг таниқли ва кекса олимларидан биридир. У 1946 йилдан то шу кунгагача Тарих институтида узлуксиз ишлаб келмоқда.

Ҳамид Зиёев 1923 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси мадрасани тутатган Мулла Зиё Аҳмад ўғли ва онаси Зебунисо Шорасул қизи бўлган. Олим Тошкент Давлат Педагогика институтини битириб, 1946 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг аспирантурасига кирди. 1953 йилда СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида «Шарқий Туркистанда 1826 йилги қўзғолон» мавзууси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Институтда даставвал кичик, сўнг катта илмий ходим сифатида ишлади.

1964 йилда «Ўрта Осиё ва Сибирь» китоби учун тарих фанлари доктори унвонига сазовор бўлди. 1964-1996 йилларда Тарих институтининг «XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрда Ўзбекистон» бўлимига бошчилик қилди. Айни пайтда 1965-1985 йилларда мазкур институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди. Ҳозирда Тарих институтининг етакчи илмий ходим лавозимида ишлайди. Олим Иккинчи Жаҳон урушининг қатнашчиси ва ногиронидир.

Ноёб ва хилма-хил архив манбаларини қидириб топиш ва илмий муомалага киритишида олимнинг хизмати беқиёс эканлигини таъкидлаш жоиздир. Бу ҳақида у ишлаган қуйидаги архив масканларининг рўйхати яққол гувоҳлик беради: Қадимий ҳужжатлар Марказий Давлат архиви (Москва); Тарих музеи архиви (Москва); Россия Ҳарбий Тарих Марказий Давлат архиви (Москва); Россия Ташқи Ишлар вазирлигининг архиви (Москва); Марказий Давлат Тарих архиви (Санкт-Петербург); Россия Фанлар академияси архиви (Санкт-Петербург); Россия Фанлар академияси Тарих институтининг Санкт-Петербург филиалининг архиви (Санкт-Петербург); Салтиков-Шчедрин номли кутубхонанинг қўллэзмалар фонди (Санкт-Петербург); Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Тошкент); Қозоғистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Алмати); Оренбург вилояти Давлат архиви (Оренбург); Татаристон Республикаси Давлат архиви (Қозон); Қозон Давлат университетининг қўллэзмалар бўлими (Қозон); Бошқирдистон Республикаси Марказий Давлат

архиви (Уфа); Екатеринбург (Свердловск) вилоятининг Давлат архиви (Екатеринбург); Ирбит Давлат архиви (Ирбит); Тюмень вилоят Давлат архиви (Тюмень); Тобольск Давлат архиви (Тобольск); Тобольск ўлкашунослик музейининг қўлёзмалар бўлими (Тобольск); Омск вилояти Давлат архиви (Омск); Томск вилояти Давлат архиви (Томск); Томск Давлат университети кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими (Томск); Пермь вилояти Давлат архиви (Пермь); Нижний Новгород вилоят давлат архиви (Нижний Новгород); Астрахань вилоят давлат архиви (Астрахань).

Кўриниб турибдики, олим бир-бирларидан узоқ жойларда ўрнашган архивларда ишлаб, ниҳоятда кўп маълумотларни қўлга киритган. Айни пайтда илмий ишларда маҳаллий манбалардан ҳам кенг фойдаланганлиги маълум. Илм соҳасида бундай катта ҳажмдаги хилма-хил ва бой маълумотлардан фойдаланиши ва таҳлил қилиши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Ҳамид Зиёевнинг кўп йиллик фаолияти серқирра ва самарали бўлиб, қуйидаги илмий йўналишларни ўз ичига олади:

Ҳ.Зиёев қадимги ва ўрта аср тарихига доир илмий ишларнинг ҳам муаллифидир. У ўзининг «Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар» асарида ўзбек халқининг милоддан аввалги асрларда чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашларини ёритди. Унда халифаликнинг ва мўғулларнинг тажовузкорлиги ва ҳукмронлигига қарши олиб борилган озодлик курашлари ҳам ўз ифодасини топган.

Олимнинг Амир Темур фаолиятига бағишлиланган ишлари ҳам катта аҳамият касб этади. Маҳаллий манбалар асосида ёзилган ушбу асарларда соҳибқиран буюк давлат арабби, моҳир лашкарбоши ва тараққийпарвар шахс сифатида гавдалантирилган. Темурийлар давлатини инқизотга учраши ва шайбонийхонлар томонидан босиб олинишига доир масалалар ўрганилган.

Олим Бухоро, Хива ва Кўйкон хонликларининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиб, тўғри хулосалар чиқарган. У Тошкентда сақланаётган Куръони Каримнинг қаердан ва қайси тарзда олиб келинганлигига доир янги маълумотларни келтириб, жумбоқ бўлиб келаётган масалани ниҳоясига етказган. Унинг Нақшбандий таълимотининг Сибирга тарқалишига доир иши ҳам зўр қизиқиш билан ўқилади. Умуман айтганда, олимнинг ўрта аср тарихини акс эттирувчи ишлари «Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси» (2000), «Тарихнинг очилмаган саҳифалари» (2003) ва бошқа асарларида ўз ифодасини топган.

Ҳ. Зиёев Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрларда Сибирь, Волга ва Урал бўйлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ўрганишга муносиб ҳисса қўшди. Унинг кўрсатишича, ўша жойлар-

2003

3-son

да Хоразм-Хазар империясини ташкил топган даврлари бўлган. У ерларда ўзбеклар яшайдиган жойлар юзага келиб, улар ислом дини ва маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллаганлар.

Сибирь, Волга ва Урал бўйлари Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин ҳам Ўрта Осиё билан алоқаси давом эттан. Олим мана шу XVI-XIX асрларда кечган ўзаро алоқалар тарихини ўрганиб «Ўрта Осиё ва Сибири» (1963), «Ўрта Осиё ва Волга бўйлари» (1965), «Узбеки в Сибири» (1967), «Ўрта Осиё ва Урал бўйлари» (1973) ва «Экономические связи Средней Азии с Сибирию» (1985) сингари асарларини чоп эттириди.

Олимнинг 2003 йилда нашр қилинган «Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар» китоби қизиқиш билан ўқилади. Бу ерда шуну айтиш лозимки, кўрсатилган жойларга ўзбекларнинг Туркистон заминидан бориб ўрнашганлиги нафақат оддий кишиларга, балки тарихчиларнинг ўзларига ҳам маълум эмас эди.

Олим Туркистон ўлкасини чор Россияси томонидан босиб олинишини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» (1998) номли йирик асарни илмий жамоа ҳукмига ҳавола қилди. Унда Хива ва Бухоро хонликларининг чуқур инқирозга учраб, ҳарбий кучининг заифлашуви, таҳт учун ўзаро курашлар сабаби ҳамда бу жараёндан чор ҳукуматининг фойдаланилганлиги масалалари чуқур таҳлил қилинган.

Асарда ўзбек ва бошқа туб аҳоли вакиллари Ватан мустақиллигини сақлаш учун қаҳрамонона жанг қилганлиги ва кўплаб Ватан ҳимоячиларининг қони тўкилганлиги, мағлубият сабаблари, Бухоро ва Хива хонликларини Россия протекторатига айлантирилиши, Туркистон генерал-губернаторлигининг тузилиши ва бошқа масалалар манбалар асосида кенг ёритилган. Шунинг билан бирга Туркистонда мустабид тузумга қарши олиб борилган миллый-озодлик курашларининг босқичлари батафсил таҳлил этилган.

Ҳ. Зиёев Тарих институтининг «XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрда Ўзбекистон» бўлимига раҳбарлик қилган йилларда чор ҳукуматининг мустамлакачилик ва улуф миллатчилик сиёсатини фош қилувчи илмий асарлар унинг таҳририда чоп этилди. У ўлкани Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилишига доир масалалар бўйича асарлар яратди. Олим 1974 йилда чоп қилинган бир жилдлик «Ўзбекистон тарихи»нинг ушбу даврга оид қисмининг муаллифи. Унинг «Ўзбекистонда пахта яккаҳо-кимлиги учун кураш» (1999) китобида чор ҳукумати мустамлакачilik сиёсатининг йирик йўналишларидан бири бўлганлиги ва шу ту-

файли дәҳқонлар ҳаётининг оғирлашуви ва қашшоқланиш жараёнлари таҳлил этилган.

Мустақиллик қуёши балқиб чиққандан сўнг домла бутун куч-куватини миллий-озодлик курашлари тарихини ёритишга бағишилади. Кўплаб асар ва мақолалар чоп эттирди. Илмий конференциялар ташкил қилиб, маъruzалар қилди.

«Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар» номли асари ватанимизда энг қадимдан 1991 йилгача бўлган даврдаги озодлик курашларига бағишиланган. Шунингдек, унда 1916 йил қўзғолонлари, Туркестон Мухторияти ва «босмачилик» ҳаракатига ҳам кенг ўрин берилган. Жадидларнинг фаолияти ўрганилган.

Ҳ. Зиёев республикамизнинг мустақиллиги ва тараққиётига бағишиланган қатор ишларни эълон қилди. Унинг «Истиқолол - маънавият негизи» (1999) ва юқорида кўрсатилган «Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар» асарларида Президент Ислом Каримов бошлигидаги 1991 йил 31 августда мустақиллик қўлга киритилиши ҳақидаги масалалар ёритилган.

Маълумки, мустақилликка эришиш «бир томчи қонсиз» осонлик билан амалга оширилди, деган нотўғри фикрлар мавжуд. Аслида 1980 йилларданоқ Ўзбекистон Президентининг ички ва ташқи сиёсатни билимдонлик билан юритганилиги боис, қаттиқ курашлар натижасида бу мақсадга эришилди. Мана шу курашлар туфайли хавф-хатар ва қонли тўқнашувларнинг олди олинди. Олимнинг тўғри кўрсатишича, вазият шу даражада мураккаб ва хатарли эдики, ҳокимият бамисоли шернинг оғзидан тортиб олиниб, мустақилликка эришилди. Ўзбекистон мустақиллигининг тарихий аҳамияти ва тараққиётини ўзига хос ва мос хусусиятлари билимдонлик билан ёзилганлигини қайд қилиш лозим.

Мустақиллик ва озодликнинг қадр-қимматини «социализм» тузумининг фожиали оқибатларига таққосламай ўрнига қўйишни иложи йўқ, албатта. Коммунистик партиянинг ашаддий мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатини очиш ва тарғибот қилиш шу куннинг талабидир. Шу боис олим ўша мудҳиш даврдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумнинг моҳиятини синчковлик билан ўрганиб, тоталитар тузум ўзбек халқига кўп талофатлар етказганлигини тўла исботлади.

Олим бадий ижод соҳасида ҳам қалам тебратди. Унинг қаламига мансуб ҳикоялар мазмун жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, уларда адолатпарварлик, олижаноблик, инсонпарварлик каби фазилатлар ҳақида сўз юритилиб, айни пайтда ҳасадгўйлик, қўрқоқлик, жоҳиллик ва зиқналик сингари иллатларнинг фожиали оқибатлари баён

қилинган. Айниқса, ҳикояларда фарзандларни соғлом ва ақлли қилиб камолга етказиш лозимлиги уқтирилган.

Бу ҳикоялар алоҳида тўпламлар сифатида 1980, 1999 ва 2001 йилда, (шу жумладан Синъянда уйғур тилида) нашр этилди.

Ҳамид Зиёев моҳир устоз ва мураббий сифатида ҳам кенг танилган. У ўзининг педагогик фаолияти давомида республикадаги олий ўқув юртларида қадимги Греция ва Рим, Шарқ мамлакатлари ва Марказий Осиё тарихи бўйича маъruzалар ўқиди. Ундан таълим-тарбия олган мутахассисларни республиканинг кўпгина шаҳарлари ва қишлоқларида учратиш мумкин.

Олим юқори малакали илмий ходимларни етиширишга ҳам алоҳида аҳамият берди. Зеро, 40 дан ортиқ фан номзодлиги ва докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилди. Ҳозирда унинг шогирдлари Тошкент, Фарғона, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қарши, Хоразм, Москва, Қозон, Олмаота, Бишкек ва бошқа жойларда ишламоқдалар.

Олим бир қатор диссертацияларга расмий оппонентлик қилди. 100 та диссертация ишларига тақриз ёзди.

Собиқ советлар даврида 14 китоб ва 172 мақола, мустақиллик йилларида эса 12 китоб ва 190 дан ортиқ мақолалар Ҳамид Зиёев қаламига мансубdir. У 500 номдаги китоблар, рисола, мақола ва тақризларнинг муаллифидир.

У Ўзбекистон тарихининг турли даврларига бағишлиланган бир неча асарларнинг муҳаррири ва ҳайъат аъзосидир.

Олим ўтмишда тарих фани соҳасида йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликларни бартараф қилиб, тарихни холис ва атрофлича ўрганиш, тарғибот қилиш борасида самарали ишларни амалга ошироқда.

Илм-фан йўлидаги кўп йиллик хизматлари давомида Ҳамид Зиёевга хос кўтаринки руҳ, илмий муаммоларни ҳал қилишининг янги йўлларини излаш, ташкилотчилик истеъоди, катта тажриба мактаби ҳамда олимона бағрикенглик каби хислатлари ҳамкаслари ва кўпдан-кўп шогирдлари орасида ҳурматта сазовор бўлиб қолди.

Забардаст олим, устоз ва мураббий Ҳамид Зиёев таваллудига 80 йил ҳамда илмий-ижтимоий фаолиятига 60 йил тўлиши муносабати билан биз муҳтарам домлага сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламиз.

*т.ф.д., проф. Н.Абдураҳимова*

*т.ф.н. А.Шарофиддинов*

*Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар***ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ: ПУТИ ЦИВИЛИЗАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ**

Ташкент уже неоднократно становится местом проведения крупных международных конференций, в том числе и в области исторической науки. В прошлом году Институт истории АН РУз совместно с IACD – Институтом азиатской культуры и развития (Южная Корея) провел Международную конференцию на тему «Центральная Азия через призму истории: от прошлого к настоящему», на которой выступили около 30 докладчиков из 4 стран – Узбекистана, Казахстана, Кореи и США. На конференции создана Международная ассоциация центральноазиатских исследований (IACAS), одним из учредителей которой стал Институт истории АН РУз.

На базе вновь созданной научной ассоциации, а также Института истории АН РУз, IACD и Государственного музея истории Тимуридов 2-3 июля 2003 г. в Ташкенте вновь прошла международная конференция на тему «Центральная Азия: пути цивилизационного развития», в которой приняли участие более 60 докладчиков из 7 стран – Узбекистана, Казахстана, Таджикистана, Кореи, Германии, Японии и США.

С приветственными адресами на открытии конференции выступили вице-президент АН Узбекистана, Т. М. Мирзаев, Чрезвычайный и полномочный посол Республики Корея в Республике Узбекистан господин Ким Сон Хван, директор Института истории АН РУз, профессор Д. А. Алимова, директор Центральноазиатского филиала IACD доктор Канг.

Доклады пленарного заседания были посвящены крупным и фундаментальным проблемам в области изучения Центральной Азии: «О проблемах развития исторической науки в Узбекистане» (Д.А. Алимова, Э.Э. Каримов, Институт истории), «О новых археологических находках по древней истории Центральной Азии» (Э.В. Ртвеладзе, Институт искусствознания), «Новый мировой порядок и центральноазиатские народы в XXI веке» (Че Хан У, Университет Хандонг, Корея), «Роль культуры и искусства в формировании государственности Узбекистана» (А.А. Хакимов, Институт искусствознания), «Среднеазиатская рукописная книга – носитель культуры» (Н.Х. Хабибуллаев, Государственный музей истории Тимуридов), «Межнациональные отношения в Республике Узбекистан» (Р.Х. Муртазаева, Национальный университет Узбекистана).

Работа конференции длилась два дня по трем секциям.

На первой секции «История цивилизации» было прочитано 19 докладов, построенных в хронологическом порядке: с древнекаменного века по настоящее время на территории Узбекистана.

Древний период развития социума представлен в докладах К. Крахмаля (Древний каменный век Узбекистана в аспекте истории антропогенеза), Ю.Ф. Бурякова (Генезис и динамика развития материальной культуры бассейна Сырдарьи), М.И.

Филанович (Взаимодействие кочевых и оседло-земледельческих культур в сложении цивилизации Средней Азии в эпоху античности), Н. Шагалиной (Эллинизм как компонент среднеазиатской цивилизации).

Средневековому периоду Центральной Азии посвящены доклады Г.А. Агзамовой (Города центральноазиатских ханств как центры взаимодействия оседлой и кочевой культур), Ш. Камолиддина (Новые данные к истории тюрко-арабских этнокультурных взаимосвязей), Г. Бобоерова (Тюркско-корейские отношения в ранние эпохи), Д. Абиджановой (Эпоха Тимуридов как важный этап цивилизационного развития Центральной Азии), Р.Г. Мукминовой (XV-XVI вв. как цивилизационный этап в развитии Центральной Азии), Г. Отобаевой из Южно-Казахстанского университета (Роль среднеазиатских городов Бухара и Ташкент в распространении духовных ценностей среди казахского кочевого населения), Ф. Шамукарамовой (Творчество Мирзо Улугбека: встреча Востока и Запада).

Туркестанский период и более поздние события недавнего прошлого на территории Центральной Азии отразились в докладах В.А. Германова (Средняя Азия и Россия: встреча двух цивилизаций (вторая половина 19-го – начало 20-го веков), южнокорейского историка Ким Джин Хо (Международные отношения Китая с ч'игурами Восточного Туркестана), Н.Р. Махкамовой (Исторические особенности развития гражданского общества Узбекистана конца XIX – начала XX века), Д.Х. Зияевой (Попытки реформации государственного строя в Хивинском ханстве и Бухарском эмирате в начале XX века), молодого южнокорейского ученого Се Ёнг Чоля (Причины повстанческих движений в Узбекистане и Корее в конце XIX и начале XX века.), В.Л. Гентшке (Миграционные процессы и межцивилизационные взаимодействия) и казахстанского ученого Г.Н. Кима (Глобальные и региональные аспекты взаимоотношений Казахстана с внешним миром).

**Вторая секция** посвящена экономическим, политическим, правовым и международным аспектам цивилизационного развития в Центральной Азии.

Эти темы были раскрыты в докладах А.А. Голованова (Зарождение книгопечатания в Туркестане), А.Н. Абдулаева (Хлопковая политика царизма в Туркестане и ее последствия), Б. Пасилова (Советская концепция стадий общественного развития и ее последствия для Узбекистана), А. Раҳманикуловой (Советская депортационная политика и ее последствия для судеб переселенных народов), Д.Гулямовой (Гражданское общество и историческая память), Ж. Элтазарова (Модели развития Кореи и Японии и стратегии реформ центральноазиатских государств на пост-советском пространстве: сравнительный анализ), М. Раҳимова (Внешняя политика Узбекистана в условиях глобализации), Р. Шигабдинова (Представления об исламском социализме представителей Наркомнаца в Туркестане в 1917–1920-х годах), С.А. Асановой (Ислам и христианство: опыт толерантного существования религий в Средней Азии), Э.З. Нуриддинова (Инвестиционная поддержка международными финансовыми структурами экономических реформ в Узбекистане).

Зарубежные доклады данной секции представили участники из Германии – Й. Расанаягам (Понятие «сообщества» в сельских районах Андижанской области), И. Хилгерс (Экономические реформы в сельском хозяйстве Кыргызстана в 1990-е годы), их коллеги из Южной Кореи – Че Со Ёнг (Революция и русская православ-

ная церковь в 1920–1930-е годы в Узбекистане), Ким Чунг Рён (Стратегии кооп-  
рации в области бизнеса между Узбекистаном и Кореей), Ким Юн Хи (Тенденции  
текстильного дизайна в Корее и Узбекистане), американские ученые – Люи Мор-  
ган (Восприятие реформ узбекской диаспорой в Оше) и Ким Сунг Джун (Развитие  
информационных технологий в Центральной Азии).

**Третья секция** посвящена культуре, традициям и языкам народов, проживаю-  
щих на территории Центральной Азии. Были заслушаны доклады узбекистанских  
участников: Г. Никитенко (Цивилизационный феномен взаимовлияния культур на-  
родов Средней Азии), З. Ишанходжаева (Противоречия большевистских преобра-  
зований в сфере культуры в Узбекистане в 20-е и 30-е годы XX в.), Р. Назаров  
(Этносоциальные и этнокультурные процессы в Центральной Азии (конец XX-  
начало XXI века)), З.Х. Арифханова (Семейно-родственные отношения и отраже-  
ние в них менталитета восточной цивилизации), А. Каюмов (Этническое своеоб-  
разие Южного Узбекистана как феномен культурного наследия), М.М. Кахарова  
(Нравственные ориентации народов Центральной Азии в современных условиях),  
А.А. Аширов (Роль и место мировоззренческого дуализма в развитии Централь-  
ноазиатской цивилизации), Н. Мустафаева (Культура современного Узбекистана:  
трансформация и возрождение), Г.Ш. Зунунова (Особенности института брака в  
системе восточной цивилизации), К. Раджабов (Патриотические идеи в джа-  
дидской литературе и устном народном творчестве), Ш. Усманова (Сопостави-  
тельный анализ использования паралингвизма в общении узбеков и корейцев), Р.С.  
Абдуллаев (XX век в судьбе музыкальной культуры народов Центральной Азии).

Зарубежные доклады представили ученые из Таджикистана – А.Нематов (Но-  
вая лексика в таджикском языке в пост-советский период), М.С. Имомов (Сатрид-  
дин Айни и джадидизм), Казахстана – А. Ауанасова (Из истории развития интел-  
лигенции Центральноазиатского региона) и Южной Кореи – Че Юн Хи (Изучение  
иностранных языков в Узбекистане как фактор международных контактов), Ким  
Бёңг Кюн (Сравнительное изучение корейских и узбекских пословиц), Ким Бёңг  
Иль (Сравнительный анализ корейских и тюркских амулетов), Ким Хё Джунг (О  
мифологических мотивах 'Jestey Mo'ngko' Барабинских тюрков).

Материалы конференции будут опубликованы в международном журнале  
«International Journal of Central Asian Studies».

B. Xan

## МУНДАРИЖА

### Тарихга янги нигоҳ

F. Бобоёрөв . Тоҳаристон ябгулари тарихига доир .....	3
O. Лисицкая . Проникновение католичества в Центральную Азию в процессе распространения христианства в средние века .....	13
B. Баджанов , M. Шуппе . Чор-Бакр – семейная усыпальница Джайбариев .....	19
M. Ҳайдаров . Туркестон иқтисодиётида «ҳарбий коммунизм» сиёсати .....	30
X. Юнусова . Совет қатағон сиёсатининг сўнгти босқичи тарихидан ...	39

### Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот усууллари

Ф. Касимов . Из истории археологического изучения Бухары .....	50
Б. Эшов . «Шаҳар» тарихий тушунчасини англаш ва уни ишлаб чиқишидаги илмий-услубий ёндошувлар .....	59

### Этнология масалалари

З. Орифхонова . Маҳалла тизимида қариндош оиласарининг ўзаро муносабатлари .....	71
---	----

### Юбилей

Н. Абдураҳимова , А. Шарофиддинов . Ҳамид Зиёев 80 ёшда ...	83
---	----

### Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

В. Хан . Центральная Азия: пути цивилизационного развития .....	88
---	----

шарқида жароға в 1944-1950-жылдарда Узбекистан, Кыргызстан, Страна илмий тарихи облысында жүргін шүнгеге кітаптастырылған. Кыргызстанда оның тарихи жағынан жаңы анықталған жағдайда оның номидасынан 1950-жылдан бастап Мирзагалиев (Востокистик институтының директоры) және Абдурасул Абдурасулов (Востокистик институттың орталық директоры) тарихи салынып орталық потенциалдың 1950-жылдан бастап 1955-жылдан бастап орталық орталық институттада оның статусынан турады.

### Муаллифлар ҳақида маълумот

- F. Бобоёров** — ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институты кичик илмий ходими.
- О. Лисицкая** — Национального университета Узбекистан.
- Б. Бобожонов** — ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институты катта илмий ходими, т.ф.д.
- М. Шуппе** — Франциянинг Monde Iraniere (Эрон дунёси) институты катта илмий ходими, фалсафа доктори.
- М. Ҳайдаров** — ЎзМУ докторант.
- Х. Юнусова** — ЎзМУ докторант.
- Ф. Қосимов** — Бухоро Давлат университети «Қардош халқлар тарихи» кафедраси мудири, т.ф.н. профессор.
- Б. Эшов** — ЎзМУ ўқитувчisi, т.ф.н.
- З. Орифхонова** — ЎзР ФА Тарих институты етакчи илмий ходими, т.ф.д.



840.

Индекс 1027